

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

А. М. ЖАББОРОВ, Г. А. АБДУҚАҲҲОРОВА

МИЛЛИЙ ПСИХОЛОГИЯНИНГ ШАКЛЛАНИШ МАНБАЛАРИ

(Ўқув – услубий қўлланма)

ҚАРШИ-2017

Мазкур ўқув-услугий қўлланмада ўзбек халқ оғзаки ижоди – миллий онгнинг инъикоси эканлиги, ўқув-тарбия жараёнларини самарали ташкил этишда ўзбек халқ мақолларидан фойдаланишнинг ижтимоий-психологик аҳамияти, педагогик психологиянинг миллий асосларига доир тажрибалар ўз ифодасини топган. Айниқса, ўқув-услугий қўлланма баёнида муаллифларнинг психология фанларини ўқитиш жараёнида ўзбек халқ оғзаки ижодидан (халқ мақолларидан) ўринли фойдаланишга доир шахсий қарашлари, илмий таҳлил ва хулосалари алоҳида ўрин тутди.

Ўқув-услугий қўлланма Олий таълим муассасаларининг психология, педагогика, филология ва этнография ихтисосликларининг талабалари ва ўқитувчиларига (таълим тизимида фаолият кўрсатаётган ўқитувчилар ҳамда кенг жамоатчилик учун ҳам) мўлжалланган бўлиб, ўзбек халқ оғзаки ижодида акс этган шу халқнинг психологияси, таълими ва тарбиясига хос психологик қонуниятлар ва ечимларнинг чуқурроқ ўрганишлари ва ундан амалий фойдаланишларида яқиндан ёрдам беради.

Масъул муҳаррир: Эргаш Ғозиев ЎЗМУ профессори.

**Такризчилар: Ризамат Шодиев, педагогика фанлари доктори,
профессор**

**Тошботир Расулов фалсафа фанлари номзоди,
доцент.**

МУНДАРИЖА

| | |
|---|-----------|
| Кириш | 3 |
| I-БОБ. Миллий онг ва унинг Ўзбек халқ оғзаки ижодидаги инъикоси | 10 |
| 1.1. Миллий онгнинг психологик талқини ҳақида илмий қарашлар..... | 10 |
| 1.2. Ўзбек халқининг миллий психологияси ва ўзига хос хусусиятлари (стереотиплари)..... | 23 |
| 1.3. Ўзбек халқ оғзаки ижодида шахс хусусиятлари ва психологик фазилатларнинг талқини | 37 |
| 1.4. Тадқиқот методлари ва босқичлари..... | 41 |
| Биринчи боб бўйича хулосалар..... | 44 |
| II-БОБ. Психология фанларини ўқитишда ўзбек халқ мақолларидан фойдаланишнинг ижтимоий- психологик аҳамияти | 46 |
| 2.1. Ёшларда юксак инсоний сифат ва фазилатларни тарбиялашга йўналган мақоллар..... | 48 |
| 2.2. Кишилар феъл-атворида учрайдиган салбий иллатларнинг зарари ва оқибатларидан огоҳ этувчи мақоллар..... | 58 |
| 2.3. Шахслараро муносабатларни меъёрлаштириш, яшаш ва турмуш фаровонлигини таъминлашга йўналган мақоллар..... | 66 |
| 2.4. Одамнинг нарсалар, ходисалар ва меҳнатга бўлган муносабатларини тарбиялашга хос мақоллар..... | 78 |
| 2.5. Тадқиқот натижаларининг таҳлили..... | 85 |
| Иккинчи боб бўйича хулосалар..... | 88 |
| Хулосалар | 90 |
| Фойдаланилган адабиётлар рўйхати | 92 |
| Иловалар | 94 |

КИРИШ

Ҳозирги даврда фан қудратли яратувчанлик кучига айланди, ҳар бир мамлакатнинг бугунги ижтимоий, иқтисодий юксалишини фан-техника тараққиётининг замонавий ютуқларисиз тасаввур қилиш қийин. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан айни пайтда қабул қилинган “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорда (2017 йил 21 апрел) “Олий таълим муассасалари илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш, олий таълимда илм-фанни янада ривожлантириш, унинг академик илм-фан билан интеграциялашувини кучайтириш, профессор-ўқитувчиларнинг илмий-тадқиқот фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш, ... олий таълимнинг маънавий-ахлоқий мазмунини ошириш, талаба-ёшларга мустақиллик ғояларига, юксак маънавият ва инсонийликнинг миллий анъаналарига содиқлик руҳини чуқур сингдириш бўйича кенг кўламли маърифий ва тарбиявий ишларни олиб бориш” долзарб вазифалардан бўлиб қолаётганлиги алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Дарҳақиқат, объектив олам бир бутун, нарса ва воқелик ўзаро боғлиқ бўлиб, уни ўрганишда фанларнинг бирлашиши (интеграцияси) объектив қонуниятдир. Фанларнинг назарий тараққиётида дифференциал ҳолат мавжуд бўлсада, амалиётда бир-бири билан боғлиқлик янада самаралироқ ижтимоий-иқтисодий аҳамият касб этади.

Маънавият-маърифат ишларини ва таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишни илмий методологик таъминлаш психология фани ютуқларига шунингдек, барча инсонни ўрганадиган фанлар, жумладан, бадий адабиёт билан ўзаро алоқасига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Шунинг учун инсоншунослик асосида мақсад ва вазифалари уйғун бўлган психология билан бадий адабиётнинг ўзаро боғлиқлик методологияси ва методикасини тадқиқ этиш бугунги кун учун назарий ва амалий аҳамиятга эгадир.

Қадимги Шарқда психология ва бадиий адабиёт бир-бири билан боғлиқ ҳолда тараққий этган. Айниқса, халқ оғзаки ижоди ва халқ психологиясида бу узвий боғлиқлик асрлар оша ривожланиб келган. Асосан бадиий ва тарихий асарлар орқали буюк мутафаккирларнинг психологик мероси ифодаланган ва оммалашган.

Ҳозирги даврда психология билан бадиий адабиётнинг ўзаро боғлиқлигини тадқиқ этиш миллий психология тарихини чуқур ўрганишга йўл очади.

Психология билан бадиий адабиёт тарихан ва мантиқан боғлиқдир. «Адабиёт»- одоб, хулқ, ахлоқ, «ёт»- илм, яъни адаб ҳақидаги таълимот маъносини англатади. Адабиёт – маънавият, ҳаёт дарслиги ёки жамият ҳаётига хос тарбияшуносликдан иборатдир.

Психологиянинг долзарб муаммолари бўлган ўқувчиларнинг ёш даврларига хос қонуниятлари, индивидуал психологик хусусиятлари, улар яшаб турган миллий, ҳудудий хусусиятлар ва халқ педагогикаси - психология дурдоналари ҳикматларда, халқ оғзаки ижодида, буюк мутафаккирларнинг асарларида акс этганлигини кўрамыз.

Дунё фанлари тараққиётига улкан ҳисса қўшган улуғ мутафаккир бобокалонларимиз аввало мударрис, мураббий, адиб ва машҳур илм дарғалари бўлганлар. Улар учун халқ оғзаки ижоди ва бадиий адабиёт ҳам дарслик, ҳам маънавий озик манбаи, ҳам ижод маҳсулини ёритувчи восита бўлган.

Психология билан бадиий адабиётнинг диалектик алоқадорлигини ўрганиш мисолида фанлар тарихи ва бадиий ижод ҳамоҳанг бўлгани ойдинлашади, фанлараро алоқа методологик тизимининг яратилиши Ўзбекистонда психология фани равнақига асосли замин бўлади.

Шунинг учун ҳам Абу Наср Фаробийнинг “Фозил одамлар шаҳри”, Абу Райҳон Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, Абу Али Ибн Синонинг «Донишнома», «Тиббий достон», Саъдий Шерозийнинг

«Гулистон», «Бўстон», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Кайковуснинг «Қобуснома», Абдурахмон Жомийнинг «Баҳористон», Аҳмад Яссавийнинг «Девони Ҳикмат», Аҳмад Югнакийнинг «Ҳиббатул хақойиқ», Алишер Навоийнинг «Маҳбуб-ул-қулуб», «Ҳайратул аброр» каби асарларида бадиийлик ва психологик уйғунлик мавжуд.

Таълим-тарбияда миллийлик ва умуминсонийлик бирлигига эришиш аввало психологиянинг миллий асосга эга бўлишига боғлиқ. Психология илмидаги инқирознинг туб илдизлари, энг аввало, унинг миллий заминидан, кўҳна Шарқнинг минг йиллик теран анъаналаридан узилиб қолганлигидадир. Психология билан бадиий адабиётнинг тарихан бир-бири билан боғлиқлиги ва ўзаро алоқасининг методологик ва методик тизимини яратиш Психология тарихига доир тадқиқотларнинг самарадорлигини таъминлайди.

Миллатнинг миллий хусусиятлари психология фанида кам ўрганилганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Ҳозирги пайтда миллий хусусиятларнинг шаклланиш боскичлари, унинг таркибий қисмлари, миллий онгнинг онтогенези, ўзига хос хусусиятлари ва ўзини-ўзи англаш каби муаммоларнинг ўрганилиши психология фани учун долзарб масалалар сирасига киради. Шунини қайд қилиш керакки, Республикамизда мустақиллик шарофати билан миллий хусусиятлар ва миллий ўзликни англаш муаммосига қизиқиш ортди.

Шундай қилиб, миллий маданият ва турмуш тарзи халқнинг миллий онги, миллий характери ва ўзига хослигини белгиловчи асосий мезонлардир. Психология инсонни ривожланиш қонуниятларини ўрганадиган фан сифатида ўзбек халқ оғзаки ижодини психик ривожланишнинг муҳим манбаи сифатида қарашни тақозо этади.

Бу боғлиқлик психология муаммоларини халқ оғзаки ижодида акс эттирилишида ва психологик таълимда халқ оғзаки ижодидан фойдаланишда намоён бўлади.

Шу пайтгача ўзбек халқ оғзаки ижодининг психологик асослари, ривожланиш қонуниятлари, ўқув – тарбия жараёнларидаги аҳамияти ва ёшлар камолотидаги ўрни психологик нуқтаи назардан ўрганилмаган.

Шунга кўра, ўқув-услубий қўлланмани тайёрлашимиздан мақсад психология фанларини ўқитишда бадиий адабиётдан (ўзбек халқ оғзаки ижоди бўлган мақоллардан) фойдаланиш тизимини илмий асослашдан иборатдир.

Бунинг учун қуйидаги вазифаларни амалга оширишни лозим топдик:

1. Ўзбек халқи оғзаки ижоди намуналари ижтимоий - психологик тадқиқот предмети сифатида ёритилган адабиётларни таҳлил қилиш
2. Марказий Осиё мутафаккирлари ижодидан ўзбекларга хос психологиянинг ифодасини ўрганиш
3. Тадқиқотни йўлга қўйиш учун муайян услубий воситалар, методикалар ва махсус материалларни саралаш
4. Ўзбек халқ мақолларида ифодаланган психологик жараёнлар, ҳолатлар ва психологик хусусиятларга хос тушунчаларни экспериментал ўрганиш, тўплаш, таҳлил қилиш ҳамда тизимлаштириш.
5. Тўпланган эмперик материалларни сифат (психологик) таҳлилин амалга ошириш ва ёшларни халқ оғзаки ижоди асосида тарбиялашга йўналган тавсиялар ишлаб чиқиш.

Ўқув-услубий қўлланмани тайёрлашда қуйидаги илмий фаразларга таяндик.

1. Ўзбек халқ оғзаки ижоди, айниқса, мақолларнинг мазмун – моҳияти қадимги ўзбек халқига хос миллий онг ва миллий психологиянинг ифодаси эканлиги эҳтимоли юқори.
2. Ўзбек халқ оғзаки ижодининг муҳим қисми ҳисобланган халқ мақоллари – ўзбек халқига хос психологик хусусиятларнинг асосини ташкил этиш тахмини мавжуд.
3. Ўзбек халқ оғзаки ижоди, хусусан ўзбек халқ мақоллари психология фанларини ўқитишда муҳим этнопсихологик манба сифатида хизмат қилиши

ва баркамол авлод тарбияси учун муҳим аҳамият касб этиши мумкин.

4. Ўзбек халқ мақолларида ифодаланган ўзбек халқига хос психологияни респондентлар томонидан баҳоланишига таяниб баркамол авлод тарбияси учун илмий-психологик тавсиялар тайёрлаш эҳтимоли кутилади

Ўқув-услубий қўлланманинг методологик асоси сифатида шахснинг шаклланишида миллий психологик ўзига хослик ва умуминсоний қадриятларнинг ягоналигини белгиловчи умум илмий методология, психик ҳодисаларни тадқиқ этишга комплекс ёндошиш, ўзбек халқ оғзаки ижоди, шарқ мутафаккирларининг инсон камолоти тўғрисидаги таълимотлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларида баркамол авлод тарбиясига йўналган ғоялар хизмат қилади.

Ўқув-услубий қўлланмани тайёрлашда мавзуга доир манбалар, тажриба ва фаолият натижаларининг таҳлили, кузатиш, суҳбат, биография, анкета, тест ҳамда математик – статистика методларидан фойдаланилди. Ўқув қўлланманинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда маълумотлар фондини бойитишга, зарур эмперик материалларни олишга ёрдам қилувчи ИПС (ижтимоий – психологик сўровнома) ишлаб чиқилди.

Ўқув-услубий қўлланмадаги янгилик:

- ўзбек халқ оғзаки ижоди (ўзбек халқ мақоллари) намуналари ижтимоий –психологик тадқиқот предмети сифатида биринчи бор ўрганилаётганлиги;

- Мавзунини ўрганишнинг ўзига хос усуллари танлангани, тадқиқот ўтказиш учун зарур шарт – шароитлар ҳозирлангани;

- ўзбек халқ мақолларида ифодаланган ўзбек миллатига хос психология, характер хислатлари, сифат ва фазилатлар аниқланганлиги;

- Психология фанларини ўқитишда ўзбек халқ мақолларидан фойдаланишнинг ўзига хос тизими ишлаб чиқилганлиги;

- Ёш авлодни халқ оғзаки ижоди асосида тарбиялашга йўналган психологик – педагогик тавсиялар тайёрланганлиги.

Ўқув-услугий қўлланмадан ўқувчи ёшларни ватанпарвар, ўз халқига садоқатли, ёши улуғларга ҳурмат-эҳтиромли, кичикларга меҳр-оқибатли қилиб тарбиялашда, Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида эса шахс психологияси, оила психологияси, этнопсихология, ижтимоий психология, ёш даврлари ва педагогик -психология фанларини ўқитишда, ўқитувчи – мураббийларни малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш курсларида, ўзбек халқ оғзаки ижодини, айнан ўзбек халқ мақоллари соҳасини ўрганувчилар фаолиятида самарали фойдаланиш мумкин.

I-БОБ. Ўзбек халқ оғзаки ижоди миллий онгнинг инъикоси сифатида.

1.1. Миллий онгнинг психологик талқини ҳақида илмий қарашлар

Ушбу бўлимни тўлалигича психология фанининг тармоқлараро характерга эга бўлган тарихий психология компетенциясига (ихтиёрига) киритиш мумкин. Психологиянинг тарихи ёритилган манбаларга муурожаат этиш билан тадқиқотимизнинг мақсадига эришиш ниятида ҳал қилиниши шарт бўлган муҳим саволларга тўла жавоблар топмадик. Мазкур саволлар куйидагилардан иборат эди:

1. Этник онгни шаклланиш босқичларининг психологик таҳлили, унинг таркибий қисмига нималар киради?
2. Этник онгнинг онтогенези нима ва у нимани билдиради.?
3. Миллий онг ва ўзлигини англашни тадқиқ қилишнинг методологик тамойиллари нималардан иборат ва ҳоказолар.

Ушбу мавзуни илмий ва асосли ёритиш учун тарих, этнография, социология, педагогика, фалсафа фанларининг маълумотларидан, шунингдек, Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳудудида яшаган халқларнинг феъл-атвори ифодаланган мавжуд ашъвий далиллар ва кўлёмалардан фойдаландик. Ўзбек халқининг анъаналари, урф-одатлари, расм-русумлари, қадриятлари, маросимлари ва фольклорини психологик жиҳатдан таҳлил қилдик.

Ўзбекистонда миллий онг шаклланишининг асосий босқичларини тушунтиришда тарихий-танқидий таҳлилни қўллашимиз бизга миллат вакилларининг маълумоти, шахси ва фаолиятига таъсир кўрсатадиган этник психологик ва миллий-маданий омилларни назарий савияда баён қилиш имконини берди. Мазкур омилларни аниқлаш эса юқорида ҳам айтилганидек, тадқиқотимизнинг асосий мақсадидир.

Л.Февр таъкидлаганидек, тарихий психологиянинг вазифаси

инсониятнинг ақл-идроки, умидлари ва ҳиссиётларини ёзишдан иборатдир.

Бизнингча, Л. Феврнинг ана шу фикрига қўшимча қилиб, яхлит фан ҳисобланмиш тарихий психология ўзининг вазифаларидан бири сифатида миллий (этник) онгнинг тарихини ҳам ёзиши керак, дейиш ўринлидир.

Биз ўзбек халқининг этник онги ва миллий ўз-ўзини англашини психологик жиҳатдан тўла таҳлил қилишга уринмадик, балки уларни тадқиқотимизнинг мақсадини амалга ошириш ва унинг вазифаларини ҳал этиш учун мақсадга мувофиқ йўсинда ёритишга ҳаракат қилдик.

Шуни алоҳида қайд қилиш керакки, кейинги пайтда миллий ўз-ўзини англаш муаммосига қизиқиш ортди. Бу муаммони тадқиқ этиш билан шуғулланаётган фанлар сони кўпаймоқда. Лекин ҳар бир тадқиқотчи миллий ўз-ўзини англаш муаммосига ўз тадқиқотининг вазифалари ва фанининг имкониятлари асосида ёндашмоқда.

Тарихчилар ва файласуфларнинг тадқиқотлари натижаларига мурожаат қилинса, уларнинг нуқтаи назарича миллат, халқ, элат тушунчаси ҳақида, миллат шаклланишининг асосий босқичлари юзасидан етарли даражада тўғри таърифларни топиш мумкин, миллат, элат, қабила, уруғ, этник гуруҳлар, умуман, инсоният жамиятининг тарихан таркиб топган турли бирликларидир. Ривожланиш даражаси ва миқёси бўйича ана шу бирликлар ўртасидаги катта тафовут, уларда ижтимоий –иқтисодий, этник ва демографик жараёнлар бир хилда кечмаганининг натижасидир.

Ана шу маънода “Этнос (этник бирлик) кишилар ижтимоий гуруҳининг тарихан вужудга келган алоҳида тури, улар жамоа бўлиб яшашининг алоҳида шаклидир. Бундай бирлик тарихий йўл билан табиий равишда пайдо бўлади ва ривожланади; у ўз ичидаги айрим кишиларнинг хоҳишига боғлиқ бўлмайди, балки ўз-ўзини қайта тиклаши ҳисобига кўп асрлар яшай олади (14,5).

Бундай фикрни Абу Наср Фаробий асарларида ҳам учратиш мумкин. Олимнинг таъкидлашича, этнос кишиларнинг бевосита алоқалари туфайли

шаклланган. Бунинг учун улар бирлашиши, бир ҳудудда қўшни бўлиб яшаши, битта тилда гаплашиши керак. Тил ва ҳудуднинг бирлиги одамлар тирикчилигининг асосий шартлари ва табиий зарурати бўлиб, айти пайтда этноснинг шаклланиши ва ривожланиши учун ҳам муҳим омил ҳисобланади. (37. 261).

Тил, урф-одатлар, маросимлар, халқ санъати, дин, хулқ меъёрлари этноснинг маданий бирлигини қарор топтиради ҳамда, албатта, уларнинг психик хусусиятлари билан қадриятлари, дид ва ҳоказоларининг ўзига хослиги билан боғлиқдир.

“Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, этнос белгиларнинг шунчаки йиғиндиси эмас, балки этносга хос мукамал уюшма (мазмун) бўлиб, этносни ташкил этган турли компонентларнинг бири этнос тизимини ҳосил қилишда етакчи рол ўйнаши мумкин. Ана шу жиҳатдан айрим ҳолларда тил, баъзи ҳолларда хўжалик-маиший хусусиятлар ва яна бошқа ҳолларда хулқнинг характерли томонлари асосий роль ўйнайди. Лекин қадрият меъёр тизими этник онгнинг доимий компоненти бўлиб қолаверади ” (14,6).

Ю.В.Бромлейнинг талқинича, этнос аъзоларининг ўз ўзини англаши ҳудуд (“она ер”) нинг, тил (“она тили”) нинг умумийлиги тўғрисидаги, маданият ва психиканинг фарқли хусусиятларини, қандайдир ўзига хос бирлик ва унга кирган кишиларнинг келиб чиқишини ҳамда тарихий тақдири тўғрисидаги тасаввурни мустаҳкамлайди” (14,6).

И.А. Шкуратовнинг талқинига биноан, “табиатдаги сингари маданиятда ҳам энергиянинг сақланиш қонуни мавжуд. Инсоннинг қачонлардир йўқолган энергияси маданий объектда тўпланади ва уни ўзлаштириш учун янги энергия сарфланишига асос бўлади (энерги сўзини физик маънода эмас, балки шахснинг фаоллиги сифатида тушунилади). Ақл, тасаввур ва ҳиссиётнинг қуввати ҳеч қачон йўқолмайди. Бу қувват ўзини ҳаракатга келтирган “субъект-объект” механизми сақланар экан, ўзини вужудга келтирган маданият яшар экан, демак, объектдан янги инсонларнинг

фикр ва ҳиссиётларига, кейин яна объектга қайта-қайта ўтаверади” (39;41).

Юқорида айтилганлардан келиб чиқадиган хулоса шундан иборатки, маданиятнинг ривожланиши ҳеч қачон тугал характер касб этмайди. Цивилизациянинг ҳар бир янги босқичи ўз мазмуни жиҳатдан узлуксиз равишда бойиб боради.

Ҳар бир шахс маданиятни ўзича тушунади. Шу билан бирга у шахснинг камолотини текширадиган бўлса, ўтмишдагиларнинг, бошқа авлодларнинг маданияти ва психологиясини соддароқ, тубанроқ ҳамда кўполроқ деб ҳисоблайди. “Бунда улар тубанроқ ва соддароқ эмас, балки уларни ўрганаётган кишиларнинг маданиятидан бошқача эканлиги унутилади. Инсоннинг камол топиши жараёнлари социогенезини ўрганишдаги бир томонлама тадрижийликни бартараф этишда тафаккурнинг тарихий гетерогенлиги тўғрисидаги қоида ёрдам беради” (12; 226).

Мазкур қоида шу билан изоҳланадики, у ёки бу жамият вакиллари билан тузилмалари ҳар хил бўлади, бунинг сабаби шахсни социогенетик жиҳатининг кўп қирралигидир. Шу тариқа шахснинг тарихий гетерогенлиги унинг табиатдаги муҳим хусусиятларидан бири ҳисобланади.

Шахсда турли геологик даврларнинг нишонлари бўлади (Л.С. Виготский), ижтимоий типик ва индивидуал хулқ, инсоннинг ишлари ҳамда хатти-ҳаракатларида ажойиб йўсинда кўшилиб кетади (12;267).

Тарихий психология назариясида доимо сақланиб келаётган асосий муаммо психологик-тарихий методнинг элементларини бирлаштириш масаласидир. Бунга тармоқлараро батартиб боғланишнинг ўзи мажбур қилади. Шунингдек, турли фанлар бир-бирини тушунмаслиги туфайли мазкур боғланиш бошқа нарсага айланиб қолади: психологлар тарихни билмасликлари натижасида кўпинча унинг майдонида адашадилар, тарихчилар эса психологияга доир айрим ибораларни психологик сохта тушунчаларга айлантириб юбордилар.

А.Г. Асмоловнинг қайд қилишича, психологияда аввало шахснинг

умумий психологиясида социологлар, маданият тарихчилари, филологлар, этнографлар, семиотика мутахассислари амалга оширган тадқиқотлар кўпинча психологлар назаридан ўтмайди. Улар томонидан муаммога илмий психологик нуқтаи назардан ёндошилмаганликлари кўринади. Шунинг учун мазкур барча фанлар вакилларининг ҳамжиҳатсизлиги натижасида шахсда вужудга келадиган ва камол топадиган ижтимоий-маданий тизимларни (тузилмаларни) ўрганиш муаммоси ҳал бўлмай қолаверади.

Жамият тарихида алоҳида “шахссиз давр” бўлганми? Жамият тарихининг турли босқичларида **шахс билан ижтимоий роль ўртасида** қандай муносабатлар қарор топган? Турли халқларнинг, уларнинг ижтимоий ва миллий феъл-атворида, маънавий бирлигида кўринадиган ўзига хос психологик қиёфаси ҳаёлий нарса эмас, ҳақиқат эканлигини ишонч билан тасдиқлаш мумкинми?

Шахс камол топишининг манбаи бўлмиш ижтимоий-тарихий турмуш тарзини ўрганишнинг турли жиҳатларидан келиб чиққан ана шу саволларга палеопсихология, тарихий психология, этнопсихология мутахассислари тўғри жавоб топишга ҳаракат қилмоқдалар .

Инсоншуносликнинг ана шу ёндош соҳалари ҳар қанча фарқлансада, лекин уларни шахс камол топишининг социогенетик (жамиятни келиб чиқиши) қонуниятларига барқарор қизиқиш ўзаро бирлаштирмоқда (12,265).

Социогенез ва унинг қонуниятлари бизда шахснинг билиши ва дунёқараши таркиб топишининг, унинг ўзига хослигини вужудга келишининг хусусиятлари тўғрисида тасаввур ҳосил қилади. Психологияда социогенезни турли маданиятлар ва формациялардаги ижтимоийлашувнинг хусусиятлари туфайли юксак психик функциялар, шахс ва шахслараро муносабатларнинг вужудга келиши ҳамда такомиллашуви деб тушунилади (12,265).

Аmmo социогенетик қонуниятларни тадқиқ этишда мураккаб ижтимоий–маданий ва психик ҳодисаларни тушунишдаги эгоцентризм

жиддий тўсқинлик қилади. Масалан, сўнгги ўн йиллар мобайнида совет психологияси фанида эгоцентризмнинг алоҳида шакли бўлмиш “европацентризм” ҳукмронлик қилди. Атоқли рус психологлари Л.С.Виготский ва А.Р.Лурия турли маданиятларда тафаккурнинг юксак психик функциялари ривожланишини таҳлил қилиш бўйича ғоят муҳим тадиқотларни амалга оширдилар ва мазкур маданиятлар тафаккурининг мантиқий механизмини ёритдилар. Шунга қарамай, собиқ иттифоқнинг психология мактабларида шахс камол топишининг социогенетик қонуниятлар (европа тафаккури) намунаси орқали бир томонлама талқин қилинди. Ҳозирги пайтда социогенетик тадиқотлар ҳар бир миллат ёки элатнинг табиий, ҳақиқий характеристикасини тадиқ қилиш учун янгича тус олди.

Агар психикани тадиқ қилишнинг В.А Шкуратов тавсия этган тарихий типлари қўлланса, кенгроқ илмий йўсинда ижтимоий шахс мавжудлигининг учта элементини ажратиш мумкин. Булар: а) акс эттириш ва амалиётнинг индивидуал шаклланган даражаси; б) шахснинг ижтимоий муносабатлари; в) ҳаётининг фаолиятнинг предметли-белгили шартлари ва натижалари” (39; 112).

Ана шундай ёндашишга мувофиқ тарихий психологияда психологоцентрик, социологоцентрик ва культуролого-центрик йўналишлар вужудга келмоқда. Ушбу параграфда баён қилинган материаллардан кўринадики, бизнинг тадиқий методологик нуқтаи назаримиз ана шу учала йўналишни қамраб олишдан иборатдир. Аммо кейинчалик психологик йўналишга ўзимизнинг илмий нуқтаи назаримизни кўпроқ сингдиришга ҳаракат қиламиз.

Тадиқотимиз мавзусининг мураккаблиги, унда психикага, ижтимоий муносабатларга ва маданиятга доир масалалар ҳам учраши ўзбек халқининг миллий ўзига хослигини соф психологик нуқтаи назардан ёритишни жуда қийинлаштиради. Ана шу нуқтаи назарни ёқлаб, К.А.Абульханова-Славская

жумладан қуйидагиларни ёзади: “Психологик тадқиқот, умуман, ижтимоий шароитларни ёритишга эмас, балки шахснинг савиясига таъсир кўрсатадиган ижтимоий механизмларни аниқлашга қаратилади. Ижтимоий механизмларни аниқлашга қаратилади. Ижтимоий детерминацияга унинг индивидуал-муайян ифодаланишида, хусусан, мазкур савияга, фақат савияга эмас, балки, умуман, жамият миқёсларида таъсир кўрсатадиган ижтимоий ҳаракатлар нуқтаи назаридан қаралади. Бу эса ўз навбатида бизга алоҳида жараён сифатидаги индивидуал ҳаётининг фаолият тўғрисида, ҳаётининг тиклашнинг ижтимоий уюштиришнинг мазкур даражасига хос усули, хусусияти, тўғрисида фикр юритиш имконини беради” (8; 12-23).

1970–йиллар бошида психология фанининг нисбатан ёш соҳаси-ижтимоий психология тараққиётига катта ёрдам берадиган ишлар пайдо бўлди. Уларда шахс психологиясини инсоншуносликнинг бошқа соҳаларига боғлаш учун жиддий ўринишлар ўз ифодасини топди. Шунингдек, Ўзбекистонда ижтимоий психология, фалсафа, тарих ва этнография бўйича ҳам қатор ишлар ёритилди.

Мана шу тадқиқотлардаги илмий хулосалар тўғрисидаги мақола шахс камолотининг ижтимоий детерминацияси тўғрисидаги умумий қоидалар ўрнига инсон дунёсининг ижтимоий- тарихий характеристикаси бўйича, яъни, мазкур маданиятда шахс ўзлаштирадиган ва унинг ижтимоий сифатлари мазмунини ташкил этадиган, ижтимоий муносабатларда шахс мулоқотда бўладиган нарсалар бўйича муайян концепциялар шаклланишда (12;159).

Шунга кўра, “ижтимоий –тарихий турмуш тарзи” категорияси ривожланишда ва бу ҳол шахснинг тарихий даври, ижтимоий макони ва ҳаёт йўлини ҳисобга олишга ёрдам беради, яъни этнос психологиясининг ўзига хослигини, маданиятининг ворислигини объектив равишда ёритиш имконини яратади. Шу билан бирга социологияни, маданиятшунослик ва тарихий психологияни назарий ҳамкорликда конструкциялаш (тузиш) истиқболини

ҳам очади.

Шундай қилиб, психика кўз олдимизга ижтимоий –маданий факт сифатида гавдаланади. “Ижтимоий ҳодиса сифатидаги психика жамиятни тадқиқ қилиш мазмунига психологик тушунчаларни киритишдир.” (39;124).

Шахснинг психологик тузилиши мазкур маданиятда қабул қилинган символларни, образларни, ҳаракатларни, одатланилган сўзларни, мушоҳадаларни ва инсон ҳаётининг моҳиятини ташкил этадиган ҳамма нарсаларни ўзида жамлайди. Этноснинг мазкур маданий муҳити муайян бўлади ва маълум тушунчалар, нормалар ҳамда баҳоларда ўз ифодасини топади. Ўқитувчи шахси ва фаолияти муаммосини тадқиқ қилишдаги кўп йиллик тажрибамиз, шунингдек, бевосита кузатишларимиз ижтимоий – маданий жиҳатлар кўпинча хато, хатто камситилиб ифодаланганлигини исботлайди.

Бизнингча, ҳар қандай фан, хусусан, психология ҳам этник онг масаласи ҳақли равишда асосий ўрин олган ижтимоий-маданий муаммолардан ҳоли бўлиши мумкин эмас.

“Инсоннинг миллий (этник) ўзига хослиги амалий ҳатти-ҳаракатларининг хусусиятларида, шахснинг онги ва ўз-ўзини англаш соҳасида кўриниши мумкин. Миллий онгни таҳлил этишда маданиятни ажралмас қисми ҳисобланадиган ва унинг миллий ўзига хослигини, тарихий йўлини ифодаладиган бойликлар ҳамда кадриятлар асосий тушунчалар сифатида хизмат қила олади.” (16;184).

Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, Ўзбекистонда миллий онгни мафкуравий ва назарий йўсинда тадқиқ қилиш билан бирга , кейинги пайтда кенг аҳоли оммасининг ҳатти-ҳаракатини тартибга соладиган ҳозирги миллий онгни ўрганишга ҳам кўпроқ аҳамият берилмоқда. Бунда оила, маҳалла, фольклор гуруҳлари, халқ театрлари, Шарқ халқларининг анъана ва урф-одатларига мувофиқ ўтказиладиган маросимлар ҳамда бошқа турли тадбирлар каби этник ижтимоий институтлар тадқиқотнинг объектига

айланмоқда.

Масалан, Хоразмлик ўзбекларнинг тўй маросими материаллари орқали жамоанинг оила ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти жуда яхши ёритилган (42). Анъанавий тўй маросими оилавий турмуш ва маънавий маданиятнинг ажралмас қисми бўлиб, воқеага дахлдор шахслар бажарадиган одатлар ва удумларнинг мураккаб копмлексидан иборатдир. Ана шундай одат ва удумлар халқнинг ижтимоий- иқтисодий, дунёқарашга доир, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик интилишларини акс эттиради. Шу билан бирга кишилик жамияти тарихининг турли даврларида шаклланган халқнинг эътиқоди, урф-одатлари ва удумларини ҳам ўзида сақлайди (42;41).

Шуни таъкидлаш керакки, Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг анъанавий маданиятида жамоа барча ҳаётий масалаларда ҳал қилувчи роль ўйнаган. У оила ташкил топган пайтидан бошлаб, унинг ҳаётини кузатиб бориши мажбурий бўлган. Жамоа барча тантанали байрамларда ва бошқа турли тадбирларда бошчилик қилган.

Эндиликда ҳар бир алоҳида оила мустақил мавқега эга бўлсада, лекин унинг ҳаётий функциясида ҳамон жамоатчилик (ижтимоий-этник) ташкилотларнинг роли каттадир. Халқимизнинг бола тарбиясига ғамхўрлигини ифодаловчи “Бир болага етти маҳалла оталик қилади” ҳикмати бежиз айтилмаган.

Жамоаларнинг оила ҳаётида ҳали ҳам муҳим роль ўйнаётганининг сабаблари кўп ва шулардан бири ўзбекларда қариндош-уруғчилик алоқалари сақланиб келаётганлигида, бундай алоқалар, масалан, қариндошларнинг кўшни бўлиб яшаётганида ёки битта мавзе (маҳалла) да жойлашганида кўринади.

Ана шу маънода қайд этиш лозимки, болаларни ўқитиш ва тарбиялаш масалалари фақат алоҳида оилаларнинг эмас, балки бутун маҳалланинг диққат марказида туради. Буни айниқса, қишлоқ жойларида ва кичик шаҳарларда яққол кўриш мумкин.

Шунинг учун ўқитувчи (домла)нинг роли қанчалик масъулиятли бўлса, у жамоатчиликнинг ҳурмат-эътиборини шунчалик кўпроқ қозонади. Шу сабабли, бизнингча, бошқа маданият вакилларидан фарқли ўлароқ ўзбек мактаби ўқитувчисининг шахси ва фаолиятини мутлақо ўзгача талқин қилиш (тушуниш) керак.

Ўзбекларнинг турмуши ва маданиятини этнографик жиҳатдан ўрганган Х.З.Зияевнинг мулоҳазасига кўра: “Диний байрамлар аҳолининг ижтимоий ҳаётида муҳим воқеа бўлган. Жума ҳафтанинг байрам куни ҳисобланган. Шу кунларда катта масжидларда жума намози ўқилган. Йиллик иккита байрам мусулмонлар учун мажбурий бўлиб, ана шу Рамазон ва Қурбон ҳайитлари деб аталган байрамлар жуда тантанали ҳамда гавжум ўтказилган. Республикамиз мустақиллиги шарофати билан Рамазон ва Қурбон ҳайит байрамлари ҳозирги замон мазмуни билан ўз моҳиятини тиклади. Шарқ халқларида фақат қариндош-уруғ ва яқин кишиларга эмас, балки бошқа бемор, ногирон, камбағал, мушкул аҳволда қолган кишиларга ҳам қайғудош бўлиш- анъанавий равишда ривожланган. Бунда уларга ҳар соҳада ёрдам-мадад берилган. Лекин яхши воқеаларда, анъанавий байрамларда ҳам кўплаб кишилар тўпланган, ҳар хил томошалар-дорбозлик, кўғирчоқбозлик, кураш тушиш, масхарабозлик ўйинлари, кўшиқчилар ва мусиқачиларнинг чиқишлари ташкил қилинган.

От пойгаси, кўпкари (улоқ) чопиш, кўчқор, бедана ва хўроз уриштириш сингари қизиқарли ўйинлар ҳам ўтказилган. Расталар ва дўконларда турли ширинликлар, болалар ва катталар учун мевалар бошқа кунларга нисбатан арзон сотилган.

Ўзбекларнинг юқорида таърифланган турмуши ва маданияти ҳозирги кунда ҳам миллий (этник) ўз-ўзини англаш ва анъанавий маданиятнинг оммавий кўринишлари сифатида давом этмоқда.

Мана шулар психологик жиҳатдан кишиларда ифтихор туйғусини ривожлантирган, чинакам миллий характерни вужудга келтирган ва инсонни

улуғлаган. Анъанавий маросимлар ва байрамларнинг ҳар бир иштирокчиси ўзининг биз этнос (миллат) деб атайдиган катта бирликдаги фаол зарра эканини ҳис қилган.

Миллий-маданий мавзуни давом эттириб, унинг ўзбеклар миллий онгида кўринадиган психологик жиҳатларини таърифлашда шарқ халқларининг энг катта Наврўз байрамини ҳам қисқача ёритиш оқилона ишдир. Уни мусулмонлар анъана бўйича ҳар йилнинг 21 март куни нишонлайдилар, тарихи эрамиздан олдинги 3 асрдан бошланган (Наврўзнинг биринчи байрам сифатида нишонланиш тарихи Эроннинг афсонавий шоҳи Жамшид номи билан боғлиқ) Наврўз аслида янги йил байрами бўлиб, у баҳор, тинчлик, ва дўстлик байрами деб ҳам ҳисобланган.

Тарихий манбаларда келтирилишича, Наврўзнинг ёши тўрт минг йилдан ошар экан. Шунинг учун ҳам наврўз халқимиз тарихидаги энг қадимий ва умумбашарий қадриятларни ўзида мужассамлам этган байрам бўлиб, у янги йил, янги кун бошланиши сифатида нишонланади.

Абу Райҳон Беруний, Фирдавсий ва бошқа алломаларнинг асарларида қадимда Наврўз шарафига катта сайиллар ўтказилиб, бутун халқ табиат кўйнида хурсандчилик қилганлиги, дастурхонлар ёзилиб, зиёфатлар уюштирилганлиги, сумалаклар пиширилиб, хайру эҳсонлар қилинганлиги ва мухтожлар кўнгли кўтарилганлиги қайд этилади.

Бироқ бу байрам асрлар давомида бир неча марта қатағонга учраганлиги ҳам айна тарихий ҳақиқатдир. Хусусан, мустабид тузум даврида Наврўзни йўқ қилишга, уни хатто халқимиз хотирасидан бутунлай ўчиришга уринишди.

Ўтмишни таърифлашга киришиб кетмай, шунини таъкидламоқчимизки, Шарқ халқлари ҳаётида “Наврўз” байрам ҳисобланиб, кимки шу куни байрам қилиб қувонса, албатта, у кейинги Наврўзгача шоду хуррам бўлиб, фароғатда яшар экан. Наврўзда одамлар хурсандчилик, вақти чоғлик билан бир-бирларининг дилларини хушнуд қилиш ҳаракатида бўлганлар. Шу

кунгача ораларидан гап қочган кишилар яраштирилган, улар ўтган гина-кудратларни унутиб, аввалгидек қадрдон, ёру биродар бўлиб кетишган. Ҳатто узоқ давом этган қонли урушлар ҳам Наврўзи- олам шарофати билан тўхтатилган ва бир битимга келишган. Наврўзда бировни кўнглига озор етказиш кечириб бўлмас гуноҳ саналган. Ҳайру-саҳоват, меҳру мурувват, хурсандчилик, эзгу ниятлар тантанаси наврўз удумларининг асосий моҳиятини ташкил этади. Наврўз кунларида алоҳида катта тантаналар уюштирилган, кишилар бир-бирларига марҳаматли бўлган. Мана шулар ҳам халқдаги ўзига хосликнинг (айниқса эзгуликка интилишнинг) алоҳида кўриниши бўлиб, ўзбек халқининг миллий характери ва этник онгини шакллантирган.

Яна ўзбек халқининг энг муҳим байрамлари “Мустақиллик байрами”, “Экиш байрами”, “Ҳосил байрами”, “Суннат” ва “Никоҳ” тўй каби байрам ва маросимларини ҳам айтиш мумкин.

Ўзбеклар ўз болаларига ҳурмат ва муҳаббат билан муносабатда бўладилар. Шу боисдан уларнинг бешикка солиниши, бешик тўйлари, биринчи тишининг чиқиши, қорин сочининг олинниши, туғилган кунлари ва ҳоказолар анъанавий шодиёналик билан нишонланади. Худди шу тариқа болалар туғилган пайтиданок ўз этносининг ҳаёти ва маданиятига хос хусусиятларни қандайдир йўсинда ўзлаштириб борадилар.

Ўзбеклар этник онгининг катта ёшли, илмли кишиларни ҳурматлашдек муҳим жиҳатини ҳам алоҳида таъкидлаш керак. Бемор ва мажруҳ одамларга раҳмдиллиги ҳам миллатнинг характерли хусусиятидир. Миллий (этник) муҳитда кўни -қўшнилари ва айнақса қариндош-уруғлар ўртасидаги ўзаро ҳурмат ҳамда ўзаро ёрдам қадимий анъаналарнинг биридир.

Умуман, ўзбек халқининг психологик қиёфасини юқорида айтилганлардан ташқари, қуйидаги сифат ва хусусиятлар билан ҳам тўлдириш мумкин:

-меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳмондўстлик,

турар жойларни, айниқса, ҳовлини озода ва санитарияга мувофиқ тутишга ҳаракат қилиш;

- ота-оналарни, қарияларни ва ўқимишлиларни ҳурмат қилиш;

- кичикларнинг катталар олдида ортиқча гапирмаслиги ва уларнинг сўзларига қулоқ солиши;

- сабр-тоқатлилиқ, чидамлилиқ, сермулоҳазалилик ва ҳар ишни ўйлаб қилиш;

-болаларга мухаббат натижасида ўзбек оилаларининг кўп болалилиги, меҳрибонлиги;

-вазминлик билан бир қарорга келиш, ўзини тута билиш, амалийлик;

- миллатнинг маънавий бойликларига, умуман, тарихи ҳамда маданиятига мухаббат ва эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, тежамкорлик;

-шахсий фазилатларни чуқур ҳис қилиш, эзгу ишларни бажаришни ёқтириш, орзу-ҳаваслилиқ ва ҳоказолар.

Этнос психологияси масалалари эса психолог олимларнинг илмий – изланишларида тадқиқот объекти сифатида етарлича ўрганилмаган. Шу билан бирга бизнинг ижтимоий-маданий ҳодиса сифатидаги психика тўғрисида юритган фикр-мулоҳазаларимизнинг назарий ва методологик асосини баён қилишда қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин.

1. Ижтимоий –маданий ҳодиса сифатидаги психика муаммосини ўрганишда муқаррар равишда жамият ва инсоншунослик фанлари (фалсафа, тарих, этнография, маданиятшунослик ва ҳоказолар) нинг маълумотларидан кенг фойдаланиш зарурияти туғилади. Ана шу йўлгина миллат, унинг маданияти, турмуши , ўзига хослиги тўғрисида объектив тасаввур ҳосил қилиши мумкин ва шу кенг тушунчанинг таркибий қисмлари этник-маданий ҳамда этник-психологик омиллардан иборат бўлади.

2. Ўзбек халқининг миллий характери ва этник онгига таъсир кўрсатадиган анъаналари, урф-одатлари, маросимлари ва расм-русумларини кўриб чиқишда тарихий-танқидий ёндашишга таянаб, улар тарихий

ривожланиш давомида эволюция жараёнидан ўтади, дея хулоса чиқариш мумкин. Лекин уларнинг асосий вазифаси ҳозирги пайтда ҳам ўзининг маъносини йўқотмайди. Бу эса бизни ўзбек мактаби ўқитувчисининг шахсини ва умуман миллат таълимини тадқиқ қилишда этник-психологик ҳамда этник-маданий омилларни тўла –тўқис ҳисобга олишга даъват этади. Шунингдек, мазкур мавзуда баён қилинган материаллар бизни худуднинг маданиятини, миллий урф-одатлар ва анъаналарни этник стереотиплар орқали кўриб чиқишга ҳамда ўзбек халқининг ўзига хослиги психологиясини, шу жумладан, ўқитиш ва тарбиялаш соҳасидаги анъаналарини янада кенгроқ ёритишга ундайди.

1.2.Ўзбек халқининг миллий психологияси ва ўзига хос хусусиятлари (стереотиплари).

Маълумки, “стереотип” иборасини илмий муомалага 1922 йилда У.Липпман киритган (10;3) Аммо миллий стереотиплар тадқиқот объекти бўлгунича орадан маълум вақт ўтди. Дастлаб “антропостереотип “(инсон киёфаси)муаммосини эмпирик тадқиқ қилишга кўп эътибор берилди. Шундан кейингина этник стереотипларни кенг тадқиқ этиш бошқичи бошланди.

Ҳамма кишилар у ёки бу даражада ижтимоий ва этник стереотипларнинг ифодаловчисидир. Бизнинг бошқа халқлар тўғрисидаги билим ва тасаввурларимизнинг бир қисми ана шу стереотиплар ёрдамида шаклланган (10)

Этник –ижтимоий муҳит, маданият, турмуш, ижтимоий –иқтисодий ва бошқа шароитлар этноснинг миллий–психологик хусусиятларини шакллантиради. Ушбу хусусиятлар шахснинг ва кишилар гуруҳининг фаолияти ҳамда хулқига таъсир этиб, ўзлигининг англашини, миллий ўзига хослигининг билишини, эҳтиёж мотивлаштириш соҳасини, меъёрли мулоқот

фаолиятини таъминлайди ва кишилар фаоллигининг, хулқи ҳамда мулоқотларининг ижтимоий-психологик характеристикаларида ўзининг ифодасини топади. (30; 7).

А.Г.Асмоловнинг ёзишича, “ижтимоий-типик хатти ҳаракатни, маданиятда ўзлаштирилган хулқ ва билиш намуналарини субъект ғайришуурий, индивидуалликдан ташқари ҳодисалар сифатида ифодалайди. Ана шу ҳодисалар асосида инсониятнинг ҳамкорликдаги фаолияти махсули ҳисобланадиган, у ёки бу маданиятдаги хулқ, ижтимоий меъёр анъаналари ва ҳоказоларнинг турли схемалари кўринишида гавдаланган мазмунлар тизими ётади. Англамайдиган ҳодисалар мазкур бирлик учун типик намуналарнинг у ёки бу гуруҳига мансуб субъект ўзлаштирган хулқ ва билишдан иборатдир, субъект ана шуларнинг ўз фаолиятига таъсирини англамайди ва уларни назорат қилмайди ” (10;267).

Бунда гап ижтимоийлашиш жараёни ҳақида бораётирки, мазкур жараён натижасида этник стереотиплар шаклланади ва улар мазкур ижтимоий бирликнинг вакили сифатидаги субъект хулқининг хусусиятларини белгилайди.

Ф.С.Татибоева этник стереотипларнинг шаклланиши механизмларини ва уларнинг шахсга таъсирини янада аниқроқ, таърифлаган. “Субъект, -деб таъкидлайди Ф.С.Татибоева,-этник-ижтимоий институтлардаги ижтимоий-лашиш жараёнида фақат ўн йиллар мобайнида таркиб топадиган хатти-ҳаракатларнинг тайёр шакллари (урф-одатларни, маросимларни) эмас, балки улар билан боғлиқ мазмун ва моҳиятлар, яъни бойликларни ҳам ўзлаштиради. Шу сабабли шахсда доимо фақат этник психологик ҳаракат (хулқ) имконияти эмас, балки аввало оламни этник бойликлар орқали англаш имконияти ҳам бўлади. Этнос кўзда тутадиган ижтимоий вазиятлар тўплами шунчалик катта бўлади. ” (32; 55-56).

Мана шулардан яна бир қарра ишонч ҳосил қиламизки, миллатнинг бойлиги бирликда (қадриятларга айланганига) қарамай шахснинг ажралмас

хусусияти, шахс структурасининг бир қисми ва асосий белгиловчи этник стереотипнинг компоненти ҳисобланади.

В. П.Трусов ва А.С.Филиппов этник стереотипларни икки жиҳатдан (10;4)-гносеологик (уларнинг билиш жараёнидаги роли) ва социологик (уларнинг ижтимоий вазифалари) жиҳатларидан тадқиқ қилишни тавсия этадилар. Ана шу фикр бундан кейин ушбу бўлим материалларини баён қилишда бизни тўла қаноатлантиради ва биз ана шу йўлдан борамиз.

Стереотиплашиш нима учун шунчалик зарурлиги масаласини баён этишда унинг асосчиси У. Липпманга мурожаат қиламиз. Тадқиқотчи аввало стереотиплашиш зарурлигининг иккита энг муҳим сабабини ифодалайди.

Биринчидан, стереотиплашиш туфайли кишиларнинг куч сарфлаши тежаллади, улар янги фактлар ва ҳодисалар тўғрисида қайтади ўйлаб, фикрлаб ўтирмайдилар, ана шундай фактлар ва ҳодисаларни тўғридан –тўғри мавжуд категорияларга киритадилар. “Агар атрофдаги оламда бир хиллик бўлмаса, кучларни тежашнинг ҳеч қандай йўли бўлмас, фақат хатолар мавжуд бўлар эди... Лекин ана шундай бир хиллик мавжуд бўлгани учун диққат- эътиборни тежаш шунчалик зарурки, агар соф тажриба асосида фикр юритиш учун барча стереотиплардан воз кечилса, инсониятнинг тирикчилигига муқаррар равишда зарар етар эди” (48).

Биз У.Липпманнинг фикрига қўшилиб (В.П. Трусов ва А.С.Филипповлар сингари), этник стереотиплар вужудга келишининг асосий сабабларидан бири- турли этник бирликларнинг миллий характерларидаги ўзига хос фарқларидир, деб биламиз. “Ҳар хил этник гуруҳ вакилларининг ўзаро алоқасида мазкур гуруҳлар бир-биридан фарқланишига кўпроқ эътибор берилган” (10;5).

Энди этник (ижтимоий) стереотип тушунчаси ҳақида тўхталамиз. “Этник стереотип –ахборотлар камлиги шароитларида шахснинг ўз тажрибасини умумлаштириши натижасида таркиб топган ижтимоий объектнинг (гуруҳ, ҳодиса, воқеа ва ҳоказоларнинг) кўпинча жамиятда қабул

қилинган тасаввурларнинг барқарор ва соддалашган образидир” (28;364).

Ижтимоий (шу жумладан, этник) стереотипни ана шундан таърифлашга қисман қўшилмаслик мумкин эмас, албатта. Лекин шуни назарда тутиш керакки, стереотипларнинг мавжудлиги, гарчи субъект ижтимоий воқеликни аниқ ва табақали идрок этиш талабига доимо жавоб бермаса-да, лекин инсон теварак оламини баҳолашида муҳим роль ўйнайди, чунки ўзгарувчан борлиқ ҳақида фикрлаш вақтини қисқартиради ва билиш жараёнини тезлаштиради.

Шуни алоҳида таъкидламоқчимизки, миллий характердаги этник стереотипларни билиш ва ҳисобга олиш таълимни ташкил этишнинг энг муҳим шартларидан биридир. Этник ўзига хосликни ҳисобга олиш билангина, масалан, педагогик кадрларни самарали тайёрлаш мумкин. Агар кенгроқ фикр юритилса, юқорида айтилганидек (этник онг ва этник стереотиплар масаласини ҳам ўз ичига олган), ижтимоий-маданий муаммолардан ҳоли ҳеч қандай таълим бўлиши мумкин эмас.

“Стереотиплаштириш” ибораси ҳақида қуйидагиларни айтиш мумкин. Психология луғатларидан бирида уни “ижтимоий объектлар (воқеалар) ни маълум тасаввурлар асосида идрок этиш, таснифлаш ва баҳолаш ижтимоий стереотип, деб таърифланган. Стереотиплашиш гуруҳлараро ва шахслараро идрокнинг энг муҳим жиҳатларидан бири бўлиб, у ижтимоий идрокнинг ана шу шаклига хос соддаликни, руҳан чатишишни (боғланишни) акс эттиради (28;385).

Шундай қилиб, психологик нуқтаи назардан стереотиплашиш бир хил хусусиятлар қандайдир ижтимоий гуруҳ ёки этник бирликнинг барча аъзоларига мансублашуви жараёнидир. Шунингдек, у мураккаб ижтимоий-психологик ҳодиса бўлиб, бир томондан шахс ва гуруҳни тенглаштириш, иккинчи томондан бошқа гуруҳларга нисбатан мавжуд хатоларни, нотўғри хатти-ҳаракатларни оқлаш вазифаларини бажаради.

Демак, этник стереотиплар-юксак ҳиссиёт ва барқарорлиги билан

фарқланадиган турли этник гуруҳларнинг вакиллари тўғрисидаги умумий хулосалардир. Стереотиплар таркиб топишининг сабаби гуруҳнинг қадриятларини ҳимоя қилишга интилиш билан жуда кўп ахборотларни “ўзлаштириш” учун кундалик фикрлашда “кучларни тежаш” принциpidан фойдаланиш зарурлигидир.

Миллий психологиянинг элементи бўлмиш этник стереотиплар кундалик ҳамда назарий онг даражасида шаклланади ва эмоционал, рационал, иродавий элементлар мажмуидан иборат бўлади.

Этник стереотипларни психологик таҳлил қилиш учун уларнинг ички тузилмаларини билиш муҳим аҳамиятга моликдир. Стереотипнинг тўртта хусусиятини ажратиш (Л.Эдварс бўйича “ўлчаш”) қабул қилинган:

1. Стереотипнинг мазмуни, яъни қандайдир этник гуруҳга мансуб хусусиятлар тўплами.

2. Бир хиллик- у ёки бу хусусиятларни этник гуруҳга мансублаштиришдаги текширилувчиларнинг мослик даражаси.

3. Йўналиш-стереотиплашиш объектини умумий ижобий ёки салбий идрок этиш.

4. Интенсивлик-стереотиплашадиган гуруҳга нисбатан хато тушунчанинг стереотипда кўринадиган даражаси (10;9-10).

Этноснинг ўзига хослиги аввало шундан иборатки, “унинг вакиллари мазкур этносга хос ассоциатив алоқада бўладилар. Этнос томонидан қабул қилинган меъёрлар конвенционалдир (тўла тан олингандир). Этносдаги меъёрий жараёнлар-конвенция (келишув) га риоя қилиш ва унинг мавжудлиги сабабли барқарор тус олган (стереотиплашган) жараёнлардир (24;101).

Шу билан бирга кўп тадқиқотчилар этник стереотипларни ва психологик ўзига хосликни белгилайдиган универсал омил сифатида “турмуш тарзи” тушунчасини тавсия этадилар.

В.А.Ядовнинг тавсиясига кўра: “ҳаёт шароити, фаолиятнинг ўзи ҳам,

шароитларнинг акс этиши ҳам, субъектнинг фаоллиги ҳам унинг онгида этник бирликнинг мезонлари (ўзига хослиги), барқарорлик, доминатлик – субдоминатлик бўйича иерархияланган бўлиши мумкин. Бунда уларнинг турмуш тарзини тартибга солишнинг универсал механизми ижтимоий нормалар ҳисобланади ва улар умумлашган қоидалардан, шахслар ва гуруҳларни юқорироқ даражадаги бирликларга “боғлаш ” нинг тарихий ҳамда ижтимоий детерминлашган усулларида иборатдир. Бу усуллар “муносиб ” турмуш тарзини ва фаолиятнинг ҳар хил соҳаларидаги кундалик хатти-ҳаракатларни баҳолаш ва ўз-ўзини баҳолашнинг ижтимоий ўлчови сифатида хизмат қилади” (44;90)

Турмуш тарзининг шароитлари деганда, унинг структуравий кичик тизимлари (табиий шароитлар, халқ –аҳолининг таркиби, ҳаётнинг маданий ишлаб чиқариш ва ижтимоий маданий хусусиятлари) тушунилади. Ҳамма жойда, хусусан, мазкур шароитларнинг турғунлиги –ўзгарувчанлиги омили кишилар ҳаётининг фаолиятининг шароитини ва турмуш тарзининг барақарорлигини белгилайди, деб ҳисобланади. Бундан ташқари, ижтимоий (этник) стереотипнинг шаклланиши ва намоён бўлишига таъсир кўрсатадиган универсал омил сифатидаги турмуш тарзи ўз навбатида прогрессивлик, консерватизм, ўзини ўйлаш ва ҳоказолар каби кўрсаткичлар билан ҳам характерланади.

И.Т.Левикин ўтмишдаги, ҳозирги ва келажакдаги диалектика сифатида муайян ҳаётининг вазиятларда намоён бўладиган турмуш тарзини комплекс ўрганиш бўйича тадиқиқот ўтказган. Ана шу тадиқиқот натижасида муаллиф турмуш тарзининг моддий ва маънавий асослари ривожланиши, таълим тарбия тизимининг такомиллашуви турши идрок этиш стереотиплари ўзгаришини тақозо этади, деган хулосага келади (19,95).

Бизнингча, юқорида айтилганлар ўз навбатида субъектив фаровонликда акс этиб, қандайдир даражада, умуман, ижтимоий-маданий соҳага кўчади. Шунингдек, этник стереотиплар ана шу принцип бўйича

ривожланади ва қайта ишланади (қайта ишланади-ривожланади), этноснинг ўзига хослиги психологияси сайқалланади ва намоён бўлади. Агар ривожланиш, шу билан бирга эски тажрибага таяниш бўлмаса ижтимоий-маданий ҳаётда ворислик ҳам бўлмас эди.

Ҳаётнинг тўлиқлиги тушунчаси ҳам халқнинг ўзига хослиги ва этник стереотиплар намоён бўлишининг муҳим кўрсаткичларидир. Бунда унинг миқдорий жиҳати эмас, балки шахс маънавий камолотининг имконияти ҳам назарда тутилади. Н.А.Шульга (40) жумладан қуйидагиларни ёзган: “Ўз-ўзидан аёнки, инсон ҳаётининг тўлиқлигига доимо эҳтиёжларни қондириш учун интилиш, уларни қондиришдан лаззатланиш деб қараш мумкин эмас. Инсон ҳаётининг тўлиқлиги ўзини ўзи енгиши, ўзини камол топтиришини ҳам ўз ичига олиши керак, бошқача айтганда, шахс ҳаётининг бойлигига унинг ўзи ҳаётдаги ижодкорликнинг юксак маданияти асосида эришмоғи лозим” (40;108).

Инсон ҳақидаги фанлар доимо уни бошқа даврларга ва бошқа маданият оламига боғлаш учун ҳаракат қилади. Шу билан бирга ҳар давр инсонни ўзича йўқотади ва топади. “Одам анатомияси маймуннинг анатомияси учун калит, лекин аксинча ҳамдир. Ҳозирги шахснинг тарихий психологияси доимо ўтмишдаги кишилар психологиясининг бир қисми ҳисобланади. Тарихий билишнинг кейинги жиҳати инсон психологик типини ва унинг айрим томонларини қайта тиклашнинг давом этаётган анъаналарини ўрганиш билан баён қилинади” (40;158).

Маданият ва миллий стереотипларнинг ўлчовлари призма сифатида хизмат қиладикки, кишилар шу призма орқали бошқа этник ҳамда ижтимоий гуруҳларнинг вакиллари тўғрисида фикрлайдилар ва улар билан алоқа боғлайдилар.

А.К. Байбурин ижтимоий ва этник стереотипларни икки қиёфали одамга таққослаб шундай ёзади: а) улар мазкур ижтимоий birlikнинг индивидуаллигини, бошқа ижтимоий макондан, бошқа маданиятдан қаралса,

унинг фарқини акс эттирадиган мазкур социум (бирлик), мазкур ижтимоий гуруҳ муаммосини ҳал қилишнинг индивидуал рефлексланмайдиган (икки ижтимоий гуруҳ учун бошқа-бошқа) усуллари бўлиши мумкин; б) ана шу стереотиплар мазкур гуруҳдаги шахс учун унинг этник ўзига хос ҳислатлари сифатида, бошқа маданиятга дуч келганида уни биладиган шахснинг ижтимоий-типик характеристикаси сифатида ҳам намоён бўлади (41).

Энди тил ҳақида қисқа тўхталайлик. Маълумки, тил онгнинг материалидир. Этносинг белгиси бўлмиш тилнинг муҳимлиги ана шундадир. Тил маълум даражада психик ходисадир ва бу ҳам психологиянинг миллатни ўрганишдаги чегарасини анча кенгайтиради. Ҳар хил миллий тиллар фикрларни тегишли матнларда ифодалашга ўзига хос талаблар қўяди. “Турмуш тарзининг ҳар хиллиги ва этносинг ўзига хослиги сабабли у ёки бу тиллар тегишли предмет соҳасини ифодалашга мослашади. Агар мазкур соҳа миллатнинг турмуш тарзида мавжуд бўлмаса, уни ана шу этник гуруҳ тилида ифодалаш қийин ёки, ҳатто, мумкин эмас” (24;102).

Шундай қилиб, тил этносинг энг муҳим белгиси эканлиги эътироф этилади ва у этнос маданиятининг бир қисми ҳисобланади. Тафаккур билан бевосита боғлиқ тил ўзининг структура жиҳатидан юксак даражада йиғиқлиги туфайли ижтимоий-маданий факт сифатида ҳам, психиканинг меъёрий-сигнификатив ўлчови сифатида ҳам гавдаланади. Кенг маънода эса психиканинг белгиллиги унинг ижтимоий мавжудлигини билдиради. Унинг ижтимоий меъёрлиги янада муҳимроқдир.

М.И.Бобнева ана шулар (меъёр ижтимоий бошқарувчи куч эканлиги) сабали қуйидагиларни таъкидлайди: “Меъёрий бошқариш энг умумий маънода шахсга ёки гуруҳга хулқнинг маълум-лозим бўлган кўриниши, унинг шакли, мақсадга эришишнинг, ўлчашларни амалга ошириш ва ҳоказоларнинг у ёки бу усули буюрилишини, “белгиланишини”, жамиятдаги кишиларнинг муносабатлари ва ўзаро ҳамкорликларининг тегишли шакли ҳамда характери “белгиланишини” билдиради. Кишиларнинг

чинакам хулқи ва жамият ҳамда турли ижтимоий гуруҳ аъзоларининг муносабатлари ана шу буюрилган, “белгиланган” стандартлар-меъёрларга мувофиқ дастурланади ва баҳоланади” (31;3).

Шаклланган билим ва қадриятларни ижтимоий-психологик таҳлил қилишда тўпланган фактлар В.А.Ядовни шахс диспозицияларнинг иерархик структураси ҳақидаги концепцияни ишлаб чиқишга даъват этади. Диспозицияларнинг иерархик даражалари ўзаро таъсирлашадиган иккита қаторнинг- шахснинг эҳтиёжларини аниқлаш мумкин бўладиган фаолият шароитлари қатори билан эҳтиёжлар қаторининг ҳосилаларидир.

Фаолиятнинг эҳтиёжлари билан шароитларининг ўзаро таъсири шахс структурасида диспозицияларнинг қуйидаги даражаларини шакллантиради: жузъий йўналган интилишлар (энг оддий хатти -ҳаракатлар); ижтимоий йўналган интилишлар (хатти –ҳаракатлар); шахс қизиқишларининг умумий йўналиши (хулқ); Яшаш жараёни учун белгиланган қадриятлар тизими ва унга эришиш воситалари (яшаш жараёни тўлалигича). Бошқача айтганда, бундай диспозиция долзарб вазиятдаги хулқни олдиндан белгилайди ва субъект олдида турган мақсадга боғлиқ бўлади (29).

Биз юқорида айтилганларга таяниб, миллий-ижтимоий стереотипларни ижтимоий –маданий технология орқали психологик нуқтаи назардан ёритишга ҳаракат қиламиз. Бизнингча, аввало, ўзбек халқида миллий онг ва миллий психологиянинг шаклланишига таъсир кўрсатадиган омиллар қаторига кирадиган географик, иқлимий, ижтимоий –иқтисодий хусусиятлар ҳақида тўхталиш зарур.

Ҳозирги Ўзбекистоннинг жойлашув ҳудуди Осиё ва Оврупо давлатлари ўртасидаги алоқалар амалга оширилган йўллар кесишган жойда ўрнашган. Ўз вақтида бу ердан “Буюк ипак йўли”нинг асосий қисми ўтган. Сувнинг сероблиги, ҳосилдор ерлар, уларнинг ҳар томондан тоғлар билан ўралгани, ўсимлик ва ҳайвонот дўнёсининг бойлиги йил давомида қуёшли кунларнинг кўплиги, ёғингарчиликнинг меъёрида бўлиши, ёзнинг иссиқлиги

ва қишнинг ўртача совуқлиги ана шу ноз-неъматларга бой ўлкани ўтроқ халқлар тобора кўпайган жойга айлантирган.

Табиий шароитлар ва географик мавқе, савдо, майда хунармандчилик ва айниқса чорвачилик ҳамда деҳқончиликнинг ривожланишига ёрдам берган. Иқтисодий ривожланишнинг аграр йўналиши ҳозирги кунларда ҳам давом этмоқда.

Шуни эътироф этиш керакки, асосан жуда кўп куч –ғайрат сарфлашни ва ерга узлуксиз ғамхўрликни талаб қиладиган қишлоқ хўжалигида банд бўлган халқнинг фидокорона меҳнати заминида ўзбек халқи миллий характери ва унинг меҳнатсеварлиги шаклланган. Эҳтимол, Ўзбекистон ерида ишлаётган деҳқон ёки чорвадор бошқа ҳудудларда яшаётган ва ишлаётган ана шу касбларнинг эгаларига ўхшашдир. Шу билан бирга, тарихий тажриба, миллий фалсафа, иқтисодий ҳамда маданий ривожланишдаги тафовутлар ва ниҳоят, географик шароитлар ҳамда тил бир халқда уни иккинчисидан фарқлантирадиган хусусиятни вужудга келтиради. Ана шу жиҳатдан ижтимоий турмуш ижтимоий онгни белгилайди дегувчиларнинг фикри эҳтимол тўғридир.

Энди ўзбек халқининг халқ донишмандлигида энг умумий йўсинда акс этган, маданиятда сақланган ва ижтимоий –маданий муҳитда бевосита кўринадиган этник стереотиплари ҳамда ўзига хослигини психологик таҳлил қилишга ўтамиз. Бунда ўзбек халқини бошқа халқлардан узоқлаштиришга асло ҳаракат қилмаймиз. Биз “кишиларни у ёки бу халқларга ажратадиган сабаблар ва омиллардан кўра, уларни умумий инсоният номи билан бирлаштиридиган сабаблар ва омиллар анча кўплигига чуқур ишонамиз” (45).

Халқ турмушининг этник стереотипларда мустаҳкамланган қонуниятларини аниқлаш, халқ тарихининг босқичларини, халқнинг характерини кузатиш учун этноснинг анъанавий маданиятига ва улар ҳаётининг хазиначилигига мурожаат этиш зарур. Этнос ривожланишининг

тарихий йўли халқ донишмандлигида, фольклорда, мақоллар ва маталларда ифодаланган .

Ишончимиз комилки, улар халқнинг нодир маънавий бойлиги бўлиб, халқни миллий харктерини сақлашга, миллий ўз-ўзини аниқлашга даъват этган ва даъват этмоқда ҳамда хулқнинг этник стереотипларида намоён бўлмоқда. Халқ донишмандлиги ўзида ҳаётнинг ғоят хилма –хил томонларини мужассамлаштирилган ва улар аввало турмушнинг ахлоқий жиҳатларини акс эттирган.

Ҳозирги Марказий Осиё территориясида яшаган халқлар доимо юксак ахлоқийлиги, батартиблиги, ҳалоллиги ва хушмуомалалиги билан ажралиб турган. Тинчилик ва хотиржамликни берсин деган ибора ўзбек халқининг тинчликсеварлигини ифодалаган .

Ўзбек халқи Ватанга содиқлик, халққа муҳаббат, қаҳрамонлик, камтарлик, ҳақгўйлик, самимийлик, ҳалоллик каби ахлоқий фазилатларни ҳам доимо кадрлаган ва ардоқлаган. Бунга қуйида ифодаланган мақоллар орқали ишонч ҳосил қилиш мумкин: “Киши юртида шоҳ бўлгунча, ўз юртингда гадо бўл”; “Юртдан кетган юртмонда, ўтар ҳасрат армонда”; “Бошингга қилич келса ҳам, тўғри сўзла ” ; “Ёлғон гапириб яшагандан рост гапириб ўлган яхши”; “Камтарга камол-, манманга- завол”; “Энг яхши либос- камтарликдир”; “Бир кун туз ичган жойингга қирқ кун салом бер”; “Дарёга яхшилик қилсанг, ажрини биёбондан топасан” ; “Бир кўрган-таниш, икки кўрган билиш” ва ҳоказо.

Халқнинг ахлоқий фазилатлари ҳасадгўйлик, худбинлик, кўрқоклик, маҳмаданалик, ялқовлик, мақтанчоқлик сингари салбий одатларни кескин қоралашда ҳам тарбияланган. Масалан, “Бировга ўлим тилагунча, ўзингга умр тила”, “Чуқур дарё шовқинсиз оқади”, “Ёмон одам ёвдан қочар, номард одам сиринг очар”; “Бекордан худо безор ”; “Бахилнинг боғи кўкармас”, “Бўш тегирмон гулдирар”; “Кўрқоқ олдин мушт кўтарар” каби сон-саноксиз мақолларда кишилар орасидаги турли иллатларга чексиз нафрат ҳислари

ифодаланган.

Ўзбек oilалари анъанавий равишда кўп болали бўлган ва улар албатта ўз фарзандларига дастлабки ахлоқий малакаларни сингдиришга ҳаракат қилганлар. Ўғил ва қизлар эса ота-оналарининг таъсири остида жуда кичиклигиданоқ яхши ва ёмон нималигини, одамлар орасидаги яхши ва ёмон хатти-ҳаракатларнинг фарқини англай бошлаганлар.

Биз юқорида айтиб ўтганимиздек, ҳар бир одамда этник стереотипнинг, хатти-ҳаракатлар ва хулқнинг кучи бўлади. Ана шу куч халқ донишмандлигининг, хусусан ота-оналарнинг таъсири туфайли ҳаётда яққол кўринади. Болаларда аста-секин хулқ маданияти малакалари: итоаткорлик, катталарни ҳурматлаш, хушмуомалалик, камтарлик таркиб топа бошлайди, улар жамоатчилик мулкига ва нарсаларга эҳтиёткорона муносабатнинг дастлабки кўникмаларини ўзлаштирадilar. Ўйинларда ва кўлларида келадиган меҳнатда ўзаро ёрдам, жамоатчилик, батартиблилик, ғамхўрлик, ўртоқлик, дўстлик, раҳмдиллик, интизомлик ва тартибга риоя қилиш сингари ахлоқий хатти-ҳаракатларни ўрганадилар. Каттароқ ёшдаги ўсмирларда сиёсий онг, ижтимоий фаоллик ривожланади; улар жасурлик, мустақиллик, қатъиятлиликдек ахлоқий сифатларини юксак қадрлайдилар ва эгаллашга тиришадilar. Уларда ўз иродаларини кўрсатиш, мардонавор ҳаракат қилиш истаклари вужудга келади. Ана шуларга кўра педагогларнинг энг муҳим вазифаси болаларни тарбиялаш амалиётида халқ донишмандлигининг барча тараққийпарвар асосларидан янада муваффақиятлироқ фойдаланиш ва шу орқали шахсни камол топтириш, унинг ижодий имкониятларини очиш, унда умуминсоний қадриятларга асосланган дунёқарашни ва инсонпарварлик муносабатларини шакллантиришдан иборатдир. (17; 188).

Ўзбек халқ мақоллари ва маталларида меҳнат ардоқланади ва ялқовлик қораланади: “Юрган-дарё, ўтирган-бўйра”; “Бугунги ишни эртага қўйма”; “Қолган ишга қор ёғар”; “Бир кун бурун эксанг, ҳафта бурун ўрасан”;

“Баҳордаги меҳнат-куздаги роҳат”; “Ишлаган тишлайди, ишламаган кишнайди”; “Бировнинг бергани кўргулик, меҳнатнинг бергани тўйгулик”; “Дангасанинг саратонда кўли совқотар” ва бошқалар юқоридаги фикримизнинг далилидир.

Маълумки, миллий характернинг вазминлик ва шошмаслик, қатъият ва эҳтиёткорлик, хушмуомалалик, дўстлик, камтарлик, тежамкорлик, меҳмондўстлик каби этноснинг характерида мустаҳкамланган хусусиятлари ҳам халқ донишмандлигида ўз ифодасини топган. Масалан, “Сабрнинг таги сариқ олтин”; “Шошган қиз эрга ёлчимас”; “Айбсиз дўст излаган дўстсиз қолар”; “Гавдасига ишонган туя мучалсиз қолибди”; “Синамаган отнинг сағрисини силама”; “Деворда сичқон ва сичқонда қулоқ бор”; “Дўстсиз бошим, тузсиз ошим”; “Ёт егунча, тукқан ўлгунча” “Ўрмат қилсанг, иззат кўрасан” дейилади халқ мақолларида.

Юқорида келтирилган халқ ҳикматларида халқ турмушининг ҳақиқатлари, ижтимоий шартлари кишиларнинг кўни –кўшиниларига, дўст ва душманларига, нарса ва ҳодисаларга ҳамда меҳнатга муносабатлари ифодаланган. Ўзбек мақоллари ва маталларида тарих ва иқтисодиёт, турмуш ва ҳуқуқ нормалари, урф-одатлари, эътиқод ва ҳурофотлар, умуман, этноснинг бутун ҳаёти акс этган.

Ижтимоий ҳаёт, унинг иқтисодий ва сиёсий структуралари ўзгариши билан айрим характерли хусусиятлари чекланади ёки кенг тус олади, лекин этнога сингигани ва халқнинг онгига стереотиплашгани сабабли уларнинг моҳияти бебаҳодир. Кўнгилчанлик, ҳурмат ва меҳмондўстлик, диққат-эътиборлилик, сезгирлик миллатнинг одатига ва кундалик хатти-ҳаракатига айланган. Масалан, саломлашишни олайлик, ўзбеклар бошқа одам билан саломлашганда ўнг кўлини кўкракка қўядилар ва бошларини бир оз эгиб таъзим қиладилар: Ассалому алайкум, дейиши билан унга тинчлик ва хотиржамлик тилайдилар. Шундан сўнг кўл олишиб бир-бирларининг сиҳат-саломатлиги, оила аъзоларининг аҳволи, ишлари, қариндош-уруғлар ҳақида

савол-жавоблар бўлади. Улар учраган кишиларга иложи борича кўпроқ саволлар беришга ва ундан тўлиқроқ жавоблар олишга ҳаракат қиладилар. Ёшроқ, киши катта одам билан кўришишда, албатта, иккала қўлини беради.

Шарқдаги одат бўйича кўришишни батафсил айтиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Чунки у жуда кўп асарлар ва мақолаларда таърифланган. Лекин ана шу одатнинг инсонга чуқур психологик таъсирини кўрсатиб ўтиш лозим. Саломлашиш ва кўришиш аввало кишининг кишига муносабатини (шахсга ҳурматини, унинг соғлиги ва ишларига, оила аъзоларининг аҳволига қизиқишини) акс эттиради.

Ўзбек халқига хос урф-одатлар, анъаналари ва таомилларнинг мураккаб характери ҳамда йўналиши миллат ҳаётий фаолиятининг барча соҳаларида: оиладаги эр билан хотиннинг ўзаро суҳбатлари ва муносабатларида ҳам; овқатланиш, чой ичиш, тежамкорлик, ота-онани ва катта ёшли кишиларни ҳурматлаш анъаналарида ҳам; келин ва куёвлик одобларида ҳам; кўчада ва жамоат жойларидаги юриш-туриш қоидаларида ҳам; байрамлар, тўй ва бошқа ҳамма диний маъракаларда ҳам яққол кўринади.

Машҳур этнограф ва саёҳатчи А. В. Вамбери 1868 йилдаёқ ўрта Осиё халқлари ўз миллий одатлари ва анъаналарини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши ҳамда қадрлашидан бағоят ҳайратланган. У психолог эмаслиги ва бошқа маданият намояндаси бўлгани сабабли ўзбекларга хос айрим урф-одатлар ҳамда маросимларнинг моҳияти ва вазифасини бир оз сийқалаштирган, аммо уларга ижобий муносабатда бўлган (15).

Асосий мақсади этник стереотипларни вужудга келтирган ва ўзбек халқининг ўзига хос психологиясида акс этган ижтимоий-маданий тизимларни тушунтиришдан иборат ушбу бўлимни тугаллаймиз. Ушбу бўлим бўйича бизнинг хулосаларимиз қуйидагича:

1. Ижтимоий –маданий муҳит вужудга келишининг манбалари этноснинг бирлиги, тили, замон ва маконда ташкил топиши, халқнинг

турмуш тарзи, бойликлари, қадриятлари, ижтимоий ҳамда маданий мавжудлиги ва ҳоказолардан иборатдир.

2. Халқнинг ўзига хос феъл-атвори ва психологиясининг этник стереотипларини тадқиқ қилиш уларни вужудга келтирган ижтимоий-маданий тизимни ўрганиш асносида амалга оширилиши керак. Бунда халқни ўзига хослигини тиклаш авлоддан-авлодга ўтиб келаётган стереотипларнинг ноаниқ нусхаси эканини ҳисобга олиш зарур.

3. Маданиятнинг қайта тикланишида, албатта (онгли ёки онгсиз ҳолда), камол топишнинг қандайдир элементи қатнашишини назарда тутиш муҳимдир. Биз миллат (этнос), унинг маданияти, ўзига хослиги, ўзини ўзи қайта тиклаш ва камол топтириш принципига мувофиқ қайта тикланади, деб биламиз.

4. Ўзбек халқининг этник стереотиплари, ўзига хослиги, унинг анаъаналари, маросимлари, урф-одатлари ва диди, халқ донишмандлигида (мақоллар, маталлар ва ҳикматли сўзларда) энг чуқур ҳамда мустаҳкам ўрин олган. Халқнинг авайлаб сақлаши ва ардоқлаши сабабли улар ҳозиргача ўзининг дастлабки маъносини йўқотмади ва миллат вакилининг кундалик ҳаётидаги энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Аммо анъанавий психология ва педагогика ҳозир ҳам таълимда, шу жумладан, ўқитувчи кадрлар тайёрлашда миллатнинг ўзига хос хусусиятларини ҳамда миллий маданий омилларни етарли даражада ҳисобга олмаётир. Навбатдаги мавзуда турли фанлар намояндаларининг таълимга ва ўқитувчига нисбатан илмий қарашларини акс эттирадиган материаллар баён қилинади.

Биринчи боб бўйича хулосалар

1. Ижтимоий –маданий ҳодиса сифатидаги психика муаммосини ўрганишда муқаррар равишда жамият ва инсоншунослик фанлари (бадий

ижодиёт, фалсафа, тарих, этнография, маданиятшунослик ва ҳоказолар) нинг маълумотларидан кенг фойдаланиш зарурияти туғилади. Ана шу йўлгина миллат, унинг маданияти, турмуши, ўзига хослиги тўғрисида объектив тасаввур ҳосил қилиши мумкин.

2. Ўзбек халқининг миллий характери ва этник онгига таъсир кўрсатадиган анъаналари, урф-одатлари, маросимлари ва расм-русумларини кўриб чиқишда тарихий-танқидий ёндашишга таянаб, улар тарихий ривожланиш давомида эволюция жараёнидан ўтади, дея хулоса чиқариш мумкин.

Шунингдек, мазкур мавзуда баён қилинган материаллар бизни худуднинг маданиятини, миллий урф-одатлар ва халқ оғзаки ижодини этник стереотиплар орқали кўриб чиқишга ҳамда ўзбек халқининг ўзига хослиги психологиясини янада кенгроқ ёритишга ундайди.

3. Ижтимоий –маданий муҳит вужудга келишининг манбалари этноснинг бирлиги, тили, замон ва маконда ташкил топиши, халқнинг турмуш тарзи, бойликлари, қадриятлари, ижтимоий ҳамда маданий мавжудлиги ва ҳоказолардан иборатдир.

4. Халқнинг ўзига хос феъл-атвори ва психологиясининг этник стереотипларини тадқиқ қилиш уларни вужудга келтирган ижтимоий-маданий тизимни ўрганиш асносида амалга оширилиши керак. Бунда халқни ўзига хослигини тиклаш авлоддан-авлодга ўтиб келаётган стереотипларнинг ноаниқ нусхаси эканини ҳисобга олиш зарур.

5. Ўзбек халқининг этник стереотиплари, ўзига хослиги, унинг анаъаналари, маросимлари, урф-одатлари ва диди, халқ донишмандлигида (мақоллар, маталлар ва ҳикматли сўзларда) энг чуқур ҳамда мустаҳкам ўрин олган. Халқнинг авайлаб сақлаши ва ардоқлаши сабабли улар ҳозиргача ўзининг дастлабки маъносини йўқотмади ва миллат вакилининг кундалик ҳаётидаги энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

6. Ишончимиз комилки, мақоллар халқнинг нодир маънавий бойлиги

бўлиб, миллийликни сақлашга, ўз-ўзини англашга даъват этувчи асосий омиллардир. Уларнинг маърифий ва тарбиявий қиммати буюк. Зеро уни ҳеч бир моддий бойлик билан ўлчаб ҳам, яратиб ҳам бўлмайди.

Юқорида тизимлаштирилган ўзбек халқ мақолларидан баркамол ёшларни тарбиялаш жараёнида, мураббий ва ўқитувчиларнинг касбий тайёрлаш босқичларида самарали фойдаланиш мумкин.

II-БОБ. Психология фанларини ўқитишда ўзбек халқ мақолларидан фойдаланишнинг ижтимоий- психологик аҳамияти.

Ҳозирги замон психология фани психологик тушунчалар, психологик ходисалар ва уларнинг шаклланиши ҳамда намоён бўлиши қонуниятларини детерминизм, онг ва фаолият бирлиги, ижтимоий хулқ ва меъёрларнинг бошқарувчанлиги, психика ва онг фаолиятда ривожланади деган принципларга яъни асосий тамойилларга таяниб тушунтиради ва изоҳлайди.

Дарҳақиқат, детерминизм принципига кўра инсон психикаси у яшаб турган турмуш тарзининг инъикосидир. Турмуш тарзи – одам туғилиб ўсадиган ижтимоий муҳит, ундаги ўзаро муносабатлар, унинг таълим тарбияси, қадриятлари, маданияти, иқтисоди, географияси ва уни ўраб турган ташқи оламдаги нарса, ҳодиса ва воқеалардир. Инсон психикаси ва унинг юксак формаси бўлган онг, шунингдек, инсоний сифат ҳамда фазилатлар психологик принципларнинг қонуниятларига биноан юзага келади. Инсон психикаси, онги унда қарор топган сифат ва фазилатлар ижтимоий муносабатлар жараёнида, унинг юриш- туришида, нарса ва ходисаларга ҳамда ўз – ўзига бўлган муносабатларида ифодаланади (намоён бўлади) ва шу билан бир қаторда ижтимоий муносабатлар таъсирида ривожланиб ҳам боради.

Ижтимоий тарихий тараққиёт давомида ҳар бир халқнинг эришган барча амалий тажрибаси ва маданий бойликлари халқ донишмандлиги сифатида шу халқнинг тарихи, бадиий адабиёти ва халқ оғзаки ижодида, амалий санъати намуналарида, унинг урф-одатлари ва қадриятларида, шунингдек, бошқа меҳнат фаолияти натижаларида ҳам акс этган.

Халқ донишмандлиги намуналари ичида айниқса мақолларнинг тарбиявий аҳамияти беқиёсдир. Мақоллар ихчам шаклга, аммо чуқур мазмунга эга бўлиб, уларда халқнинг турмуш тарзи, маънавий қиёфаси, дунёқараши, жамият ва табиатга бўлган муносабати ёрқин ифодасини топган.

Мақоллар халқнинг кўп асрлик ҳаётий тажрибалари асосида юзага келганлиги сабабли улар ўзида кишилар ҳаётининг ғоят хилма-хил томонларини мужассамлаштирган, айниқса, турмуш тарзининг ахлоқий жиҳатларини акс эттириши билан алоҳида ажралиб туради.

Мақоллар инсон психологиясининг, унда шаклланган инсоний сифат ва фазилатларнинг ёки инсоний сифат ва фазилатларга бўлган муносабатнинг тил воситасидаги ифодасидир. Халқимиз томонидан яратилган ҳар бир мақол тилимиз кўркини, нутқимиз нафосатини, ақл – фаросат ва тафаккуримиз мантиқини ҳайратомуз бир қудрат билан намойиш этади–ки, унда халқимизнинг кўп асрлик ҳаётий тажрибалари ва маиший турмуш тарзининг ўзига хос қонуниятлари, унинг ҳаётга, табиатга, инсон, оила ва жамиятга муносабатлари, ижтимоий – тарбиявий, маънавий – ахлоқий ва фалсафий қарашлари, энг муҳими ўзлиги тўла намоён бўлгандир.

Ҳар бир халқ ёки миллат томонидан яратилган халқ оғзаки ижоди, жумладан халқ мақоллари шу халқ фарзандлари учун тарихнинг ҳамма даврларида тарбия манбаи сифатида хизмат қилиб келган.

Ўзбек халқ мақоллари шу халқ психологиясининг амалда синалган инъикоси бўлганлиги учун ҳозирги таълим тизимининг ҳамма босқичларида ундан самарали фойдааниш мақсадга мувофиқдир. Айниқса, Олий таълим муассасаларида талабаларда умумий психология, оила психологияси, онтогенез психологияси, шахс психологияси ва педагогик - психология фанларини ўқитишда ўзбек халқ мақолларига таяниш мавзу моҳиятини, яъни инсон психикаси моҳиятини, инсонга хос сифат ҳамда фазилатларнинг шаклланиш қонуниятларини илмий ва ҳаётий хулосаларга таянган ҳолда тушунтиришга имкон беради.

Психология фанларини ўқитишда бадиий адабиётдан фойдаланиш, яъни ўзбек халқ оғзаки ижодига таяниш психология фани тараққиётидаги янги бир қадамдир.

Ўзбек халқ оғзаки ижодида шахс хусусияти ва фазилатларининг психологик талқини.

Кишилик жамияти бошланибдики, одамлар яшаш учун ўз ҳаёт йўлларида учрайдиган турли-туман муаммолар билан курашиб уларни ечиш йўлларини қидириб топадилар ва ечимларни ўз эҳтиёжларига мослайдилар. Шу йўсинда орттирилган муайян тажрибаларни улар ҳаётда синаб кўриб, уларни янада мукамаллаштирадилар ва ўз авлодларига ҳам ўргатиб тарбиялаб борганлар.

Ҳаёт шу тарзда давом этаверади. Атроф муҳитда юз берадиган ўзгаришлар инсоният олдига яна янгидан – янги муаммоларни юзага келтираверган. Инсониятга эса яна ўша тажрибалар асқотган.

Дарҳақиқат, ўзбек халқи томонидан эришилган барча маънавий бойлик ва амалий тажрибалар халқ донишмандлиги сифатида шу элнинг тарихида, бадиий адабиёти ва халқ оғзаки ижодида, амалий санъати намуналарида, унинг урф-одатлари, кадриятларида, шунингдек бошқа меҳнат фаолияти маҳсулотларида ҳам акс этган.

Халқ донишмандлиги намуналари ичида айниқса, мақолларнинг аҳамияти бекиёсдир. Мақоллар ихчам шаклга, аммо чуқур мазмунга эга бўлиб, уларда халқнинг турмуш тарзи, маънавий қиёфаси, дунёқараши, жамият ва табиатга бўлган муносабати тўлиқ ифодасини топган. Зеро таниқли рус ёзувчиси Л. Н. Толстой мақолларнинг халқ ҳаёти, руҳий дунёси билан нақадар яқинлиги ҳақида тўхталиб: «Ҳар бир мақолда мен шу мақолни яратган халқнинг сиймосини кўраман», деб ёзган эди.

Мақоллар халқнинг кўп асрлик ҳаётий тажрибалари асосида юзага келганлиги сабабли ўзига хос тарбиявий аҳамиятга эга. Улар ўзида ҳаётнинг ғоят хилма-хил томонларини мужассамлаштирган бўлиб, аввало турмушнинг ахлоқий жиҳатларини акс эттириши билан ажралиб туради.

Ҳозирги Марказий Осиё ҳудудида яшаган халқлар доимо юксак ахлоқийлиги ва олижаноблиги билан ажралиб турган. «Тинчлик ва

хотиржамликни берсин» деган ибора халқимизнинг азалдан тинчликсевар эканлигини ифодаловчи далилдир. Ватанга содиқлик, халққа муҳаббат, қаҳрамонлик, камтарлик, ҳақгўйлик, самимийлик, ҳалоллик каби юксак ахлоқий фазилатлар ҳам бизда доимо қадрланган. Зеро, қуйидаги халқ мақоллари бекорга туғилмаган: «Ўзга юртда шоҳ бўлгунча, ўз юртингда гадо бўл»; «Юртдан кетган юртмонда, ўтар ҳасрат армонда», «Ел сени ақилли деса, сен элдан ақл ўрган»; «Отанг ишга буюрса, номозингни бузиб эт (бажар)»; «Оғзинг тўла қон бўлса ҳам, душман олдида тупурма»; «Орқангдан гапирган дўст эмас»; «Диндан чиқсанг ҳам, элдан чиқма»; «Келмагanning кетидан борма»; «Сўзинг қайтар жойдан ўзинг қайт».

Халқнинг ахлоқий фазилатлари ҳасадгўйлик, худбинлик, кўрқоқлик, маҳмаданалик, ялқовлик, мақтанчоқлик сингари салбий одатларни кескин қоралаш орқали ҳам тарбияланган. «Сирингни сиртга чиқарма»; «Ёмон одам ёвдан қочар, номард одам сиринг очар»; «қозилашган қариндош бўлмас»; «Меҳнатдан кўркмай, миннатдан кўрк»; «Аҳмоқдан сўрама, ўзи айтар»; «Амал тегса нодонга, ўзин урар ҳар ёнга»; «Нодон сўзлар, доно ибрат олар»; «Инсофсизга эрк берсанг, элни талар» каби мақолларда турли иллатларга нисбатан нафрат ҳисси ифодаланган.

Маълумки миллий ўзига хосликнинг миллат характерида мустаҳкамланган турли хусусиятлари ҳам мақолларда ўз ифодасини топган. Масалан: «Сабрнинг таги-сарик олтин»; «қуда бўлгунча кўп синаш, куда бўлгач кўп сийлаш»; «Олтин ерда қолса ҳам, билимли ерда қолмас»; «Меҳмон оз ўтирса ҳам кўп синайди»; «Ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир»; «Ҳисобини билмаган ҳамёнидан айрилар»; «Билагидан кўра юрагига қара», дейилади халқ мақолларида.

Халқимиз ҳаётида жумбоқ ва муаммоларни ҳал қилишда кенгашиб, бамаслаҳат иш юритиш чуқур сингиб кетган. «От олсанг, уйинг билан кенгаш, Хотин олсанг, уруғинг билан кенгаш»; «Онаси мақтаган қизни олма, Эл мақтаган қиздан қолма»; «Кенгашли тўй тарқамас»; «Бирни кўриб, фикр

қил, бирни кўриб, шукур қил» каби мақоллар шулар жумласидандир. Кенгашли жойда аҳиллик, ўзаро ҳурмат, бир-бировига бўлган меҳр-муҳаббат ривожланган. Кўчалар равон, уйлар кўркам, боғлар сўлим, маросимлар чиройли ва камчиқим бўлган. Хуллас, кенгашли жойда тараққиёт ва эзгулик ривож топган.

Шуни қайд этиш керакки, халқ оғзаки ижодида, хусусан мақолларда оилавий муҳитга ҳам кенг эътибор берилган. Ўзбек оилалари анъанавий равишда кўп болали бўлган ва уларда, албатта ўз фарзандларига дастлабки ахлоқий малакаларни сингдиришга ҳаракат қилган. Фарзандлар эса ота-оналарининг тарбиявий таъсири остида кичиклигиданоқ яхши ва ёмон хатти-ҳаракатларнинг фарқини тўғри англай бошлаган.

Ҳар бир инсон феъл-атворида ўз миллатига хос хислатлар, хатти-ҳаракатлар мавжуд. Ана шу феъл-атвор халқнинг хусусан ота-онанинг таъсири туфайли шаклланиб боради.

Ўйинларда ва кўлларида келадиган меҳнатда ўзаро ёрдам, жамоатчиликка бўйсунуш, ҳаёт фаолиятлари давомида батартиблилик, ғамхўрлик, дўстлик, раҳимдиллик сингари ахлоқий фазилатларни ўзлаштирадилар. Каттароқ ёшдаги ўсмирларда сиёсий онг, ижтимоий фаоллик ривожланади. Улар жасурлик, мустақиллик, қатъиятликдек ахлоқий сифатларни юксак қадрлаб уни эгаллашга тиришадилар, шу боис педагогларнинг энг муҳим вазифаси болаларни тарбиялаш амалиётида халқ донишмандлигининг барча асосларидан янада муваффақиятлироқ фойдаланиш ва шу орқали шахсни камол топтириш, унинг ижодий имкониятларини очишдан иборатдир.

Юқорида келтирилган ўзбек мақолларида халқнинг турмуш тарзи, ижтимоий шароитлари, кишиларнинг жамиятга, меҳнатга бўлган муносабатлари ифодаланган. Ўзбек халқ донишмандлигида тарих ва иқтисодиёт, турмуш ва ҳуқуқ нормалари, урф-одатлари, эътиқоди, умуман миллатнинг бутун ҳаёти акс этган.

Ишончимиз комилки, мақоллар халқнинг нодир маънавий бойлиги бўлиб, миллийликни сақлашга, ўз-ўзини англашга даъват этувчи асосий омиллардир. Уларнинг маърифий ва тарбиявий қиммати буюк. Зеро уни ҳеч бир моддий бойлик билан ўлчаб ҳам, яратиб ҳам бўлмайди.

Тадқиқот усуллари ва босқичлари.

Тадқиқотимизнинг олдиндан белгиланган мақсад ва вазифаларини амалга ошириш учун ўзбек халқ оғзаки ижоди ва унинг энг муҳим саҳифаси бўлган ўзбек мақоллари миллий психологик ва миллий маданий муҳитнинг инъикоси сифатида чуқур моҳиятни англаш яъни энг муфассал кўриш имконини берадиган жуда кўп методикалар тўғрисида фикр юритишга тўғри келади.

Аввало шуни айтиш керакки мана шу ёки шунга ўхшаш методикалар айрим олимлар томонидан ўрганилган бўлсада, лекин улар фойдаланган методлар психологик тадқиқотлар учун етарлича ахборотлар бера олмайди. Шунга кўра биз ўзбек халқ оғзаки ижодида (айниқса мақолларда) ёрқин ифодаланган халқнинг этник (миллий) ўзига хос хусусиятларнинг психологик асосларини ўрганиб чиқиш учун манбаларни таҳлил қилиш усулларида, кузатиш, таққослаш, суҳбат, биография, анкета, тест, математик-статистик усулларида ўринли фойдаландик.

Мазкур методлар биринчи галда мақоллар моҳияти ўзбек халқидаги ўзига хосликни, унинг туб психологиясини, руҳий табиатини акс эттириадиган жиҳатларни (қонуниятларни) аниқлашга қаратилади. Тадқиқотда қўлланилган методларнинг мақсадий йўналганлиги, уларда жамланган саволлар ўзбек миллатнинг муайян-тарихий тарзи ва турмушдан олиндики, булар ҳозирги кунда ҳам этник онг, халқ анъаналарининг кўринишида, этник стереотиплар шаклида (мақолларда акс этган ўзгармас сифатлар), ўзбек халқининг ўзига хослиги психологиясида, унинг ижоди намуналарида акс этишини таҳлил қилишга хизмат қилади.

Бизнингча методлар ёрдамида олинган натижалар ва уларнинг таҳлили миллатнинг ҳар бир вакили ҳақидаги тасаввурларимизга жуда ҳам ўхшайди. Бундан ташқари, миллатнинг вакиллари билан ўтказган суҳбатларимиз ҳамда уларнинг шахси ва фаолиятини бевосита кузатишларимиз, шунингдек улар билан олиб борилган савол-жавобларимиз қўллаган методларимиз ёрдамида эришилган натижаларнинг ишончлилигини ўзига хос текшириш бўлади.

Тадқиқотимизда қўлланган ва юқорида айтиб ўтилган методларга доир материаллар укув-услугий кулланманинг И, ИИ бобларида берилган бўлиб, улар бизни ўзбек миллати вакили шахси ва фаолиятидаги миллий-типик ҳамда ижтимоий-этник омиллар асосида унинг миллий қиёфасини (тасвирини) баён қилишга олиб боради.

Шахснинг хислатлари, унинг миллий қиёфаси ҳозирги пайтда психик ходисаларнинг энг кўп тадқиқ қилинаётган соҳаларидан бири ҳисобланади.

Шахснинг хислатларини аниқлаш учун тузилган тестлар психологикдиогностикада узоқ вақтдан бери қўлланаётган бўлса ҳам, аммо улар ҳалигача назарий жиҳатдан пухта асосланмаган, нималардир ўлчанганди ва у бир мунча прогностик аҳамият касб этади, лекин унинг нималиги тўла ёки ёрқин тушунилмайди.

Агар психик хусусиятлар инсоннинг хулқини олдиндан айтиш имконига эга бўлиш учун ўрганилди, деб ҳисобланса у ҳолда мазкур хусусиятларнинг инсон яшаётган ижтимоий-маданий муҳитга боғлиқлиги кўзда тутилишини эътироф этиш керак.

Шунинг учун биз фойдаланадиган методларнинг ишончлилиги ва яроқчилигини таъминлаш мақсадида мослаштиришнинг махсус дастурини туздик. Методикаларнинг саволлари ўзбек халқи яшаётган миллий-маданий муҳитнинг хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда ҳамда ўзбек халқ оғзаки ижодининг нодир намуналари ўзбек халқ мақолларининг мазмун моҳиятидан келиб чиққан ҳолда тузилди ва эксперт психологлар назоратидан ўтказилди.

Тадқиқотларимиз 3 босқичда амалга оширилди.

Биринчи босқичда ўзбек халқ оғзаки ижоди- миллий онгнинг инъикоси эканлиги назарий жиҳатдан ўрганилиб таҳлил қилинди. Унда миллий онгнинг психологик талқини ҳақидаги илмий қарашлар, ўзбек халқининг миллий психологик хусусиятлари, ўзбек халқ оғзаки ижодида шахс хусусиятлари ва психологик фазилатларининг талқини ёритилди. Шунингдек, мазкур бобда тадқиқот методлари сараланди, улар миллий-маданий муҳитга мослаштирилди, тадқиқот босқичлари белгиланди.

Иккинчи босқичда ўзбек халқ оғзаки ижодининг муҳим соҳаси ўзбек халқ мақоллари ўрганилди, психология фанларини ўқитишда мисоллар ва намуна фойдаланиши зарур бўлган мақоллар тўпланди, тизимлаштирилди ва таҳлил қилинди ҳамда психология фанларни (умумий психология, онтогениз психологияси, педагогик психология ва шахс психологияси) ўқитишда улардан ўринли фойдаланиш режалаштирилди.

Учинчи босқичда психология фанларини ўқитиш жараёнида фойдаланиш кўзда тутилган ўзбек халқ мақолларининг қуйидагича таснифи яратилди ва уларнинг моҳияти психологик нуқтаи назардан талқин қилинди:

- ёшларда юксак инсоний сифат ва фазилатларни тарбиялашга йўналтирилган мақоллар;
- Кишилар феъл-атворида учрайдиган салбий иллатларнинг зарари ва оқибатларидан огоҳ этувчи мақоллар;
- Одамларнинг нарсалар, ҳодисалар ва меҳнатга бўлган муносабатларини тарбиялашга хос мақоллар;
- Шахслараро муносабатларни меъёрлаштириш, яшаш ва турмуш фаровонлигини таъминлашга йўналган мақоллар;

Юқорида тизимлаштирилган ўзбек халқ мақолларидан баркамол ёшларни тарбиялаш жараёнида, мураббий ва ўқитувчиларнинг касбий тайёрлаш босқичларида фойдаланиш мумкин.

2.1. Ёшларда юксак инсоний сифат ва фазилатларни тарбиялашга йўналган мақоллар.

Инсон зоти дунёга келар экан, унда фақат биологик имкониятларгина туғма равишда авлоддан – авлодга наслий йўл билан ўтади, холос. Инсоннинг психологик сифат ва фазилатлари у туғилгандан сўнг ижтимоий муҳитда, ана шу муҳитда қарор топган таълим-тарбия жараёнлари таъсирида, ижтимоий- тарихий тараққиёт давомида ўша халқ эришган тарихий тажриба ва ютуқларни авлодлар ўзлаштириши асосида юзага келади. Ёшлар ижтимоий муҳитда одамлар билан ўзаро ижтимоий муносабатларга киришар экан, ўзини ўраб турган одамлар, нарсалар, ҳодисалар ва меҳнатга бўлган муносабатлари жараёнида уларда инсон зотига хос зарур сифат ва фазилатлар тарбияланиб боради.

Ҳозирги ёшларда тарбиялашимиз зарур бўлган юксак инсоний сифат ва фазилатлардан бири – ватанпарварликдир. Ватанпарварлик ўзбек халқ мақолларида қуйидагича мазмун – моҳиятда ўз ифодасини топган.

Душманга нафрати бўлмаганнинг Ватанга муҳаббати бўлмас
Ёридан айрилган етти йил йиғлар, Юридан айрилган ўлганча йиғлар
Она ернинг тупроғи – она сутидан азиз Она юртинг – олтин бешигинг
Элига вафо қилган Ёвига жафо қилар.
Юрт қўрисанг, ўсарсан, Қўримасанг, тўзарсан.
Яхши йигит юрт тузар, Ёмон йигит юрт бузар.

Албатта, инсон ҳиссиётлари аксарият ҳолларда жуфт – жуфт учрайди ва уйғун қонуният асосида ривожланади. Ёшларда ватанга қанчалик меҳр – муҳаббат шаклланса, душманга нафрат шу даражада ривожланади, юридан айрилишни ақлга сиғдиролмайди, она юртим олтин бешигим, она ер тупроғи - она сутидан азаз деб билади. Элига

вафо қилган фарзандгина ёвига жаво қилишини, бундай ёшлар шу ватанда камол топиши, ватан ҳимояси халқнинг тинч – фаровон яшаши ва мамлакат тараққиёти учун масъул эканлиги ифодаланган.

Қуйидаги мақолларда инсоннинг поклиги, тўғрилиги ва уларнинг тарбиявий аҳамияти ҳақида гап боради.

Дили покнинг иши- пок. Гуноҳсиз одам подшодан кўркмас.

Дили тўғрининг йўли тўғри. Тўғри ошини ер, Эгри бошини.

Тўғри юрдим- етдим муродга, Эгри юрдим- қолдим уятга.

Эгри йўлдан юрсанг ҳам, тўғри юр. Ҳақиқат олтиндан қиммат.

Албатта дили пок яъни тўғри тарбия топган одамнинг ҳар бир қилган иши пок бўлади, яхши ва ёмонни, тўғри ва нотўғрини яққол англайдилар, шу боис ҳеч вақт улар гуноҳга қўл урмайдилар, бировдан кўркмайдилар. Қайси бир ишга қўл урмасин, уни намунали бажарадилар. Ҳақиқатни олтиндан қиммат деб биладилар. Бундай одамларни кўрган, уларнинг тарбияси таъсирида бўлган ёшлар албатта улардан андоза оладилар. Ана шундай инсонлардек бўлишга ошиқиб яшайдилар.

Асл одам ҳеч ўлмас. Дарёга яхшилик қилсанг, Ажрини биёбондан топасан.

Ёмон билан йўлдош бўлма, Нодон билан сирдош.

Одам бўлмоқ аста-аста, Ҳайвон бўлмоқ бирпаста.

Олтин олма дуо ол, Дуо олтин эмасми.

Тилаги яхши камол топар, Тилаги ёмон – завол.

Ушбу мақолларда асл одам сифатида шаклланиш, доимо эзгу ниятли бўлиш, одамлардан яхшилигини аямаслик, одамлар дуосини олиш олтиндан ҳам афзал, ёмон билан йўлдош бўлмаслик, нодон билан сирдош бўлса албатта бир кун уятга қолиши, балога учраши тайинлиги

ва ҳаётий ҳақиқатлиги акс этган.

Ўзбек халқ донишмандлигида инсоннинг кимлигини намоён этадиган энг муҳим белги – бу унинг сўзи, фикри, тили эканлигини алоҳида эътироф этган.

Анжом – уй зийнати, Сўз – инсон зийнати. Гапнинг ози яхши, Қизнинг нози.

Овқатни туз мазали қилар, Одамни - сўз.

Сўзнинг бойлиги – одамнинг чиройлиги

Тилинда бўлса болинг, Кулиб турар иқболинг.

Шу боис, сўз инсон зийнати эканлиги, шундай бўлсада, одамлар орасида ва суҳбатида гапни ўринли ва оз гапириш, одам обрўсини унинг чиройини сўзи ва фикри белгилаши, инсон сўзга бой ва ширин тил ҳамда эзгу-ниятли бўлиши лозимлиги ифодаланган. Ўзбек халқ оғзаки ижодида ва халқимиз орасидан етишиб чиққан мутафаккирлар ижодида ва улар ёзиб қолдирган ҳикматларда ҳам тилнинг аҳамиятига алоҳида эътибор билан қаралган.

Дўст ачитиб гапирар, Душман – кулиб.

Дўстлик – барча бойликдан афзал

Пул ортirma, дўст орттир.

Албатта , ҳар бир жамиятда, жамоада, ишдами ёки яшаш жойидами инсон яқин кишилари ва дўстлари билан ҳамфикр бўлса, бамаслаҳат иш тутса ўз олдига қўйган барча мақсадларига эриша олади Дўстлик бу бебаҳо ва барча бойликдан афзал эканлиги, инсон пул, мол – мулк ёки душман эмас, дўст орттириши ҳамма нарсадан афзаллиги таъкидланган.

Аёлнинг ҳусни пардозда эмас, ақлида. Ақл билан одоб эгизак.

Ақл бошловчи, Тана ишловчи. Ақл ёшдан, Одоб – бошдан.
Ақл ўлчови – сўз Сўз ўлчови – нақл Ақлдан ортиқ бойлик йўқ.
Ақлли қария- оқиб турган дарё. Ақлнинг ўлчови идрок
Доно дурдан аъло. Донога илм – илм, Нодонга эссиз илм.
Дононинг гапи – тегади нафи. Қаллам бор – бирқоп тиллам бор.
Киши бахти тахтида эмас, ақлида.
Кўп билган оз сўзлар Оз бўлса ҳам соз сўзлар
Кўр сийпаб топар, ақлли ўйлаб. Фозиллар фазилати- ҳаёт зийнати.
Ақл кўпга етказар, Ҳунар – кўкка

Бу ўринда юксак инсоний сифат ва фазилатлардан бири ақлнинг инсон ҳаёти ва фаолиятидаги бебаҳо аҳамияти ҳақида фикр боради. Масалан, аёлнинг ҳусни жамоли бўлгани билан ақли, фаросати етарли бўлмаса, у аёллар орасида энг обрўсиз саналади. Ақлли одам одобли бўлиши, ақл билан одобга ёшлиқдан амал қилиш зарурлиги, ақлнинг бебаҳо зийнат эканлиги, у фақат тарбия , яхши одамлар таъсирида шаклланиши , ақлли одамлардангина донишмандлар ва фозил одамлар шаклланиши ўқтириб ўтилган.

Бахт белгиси – билим. Билим бахт келтирар
Билмаганни сўраб ўрганган олим, Орланиб сўрамаган ўзига золим
Гўзаллик илму маърифатда. Давлат тугар - илм тугамас
Зеҳн қўйсанг билимга , Илм томар дилингга Китоб ақл чироғи
Ўқиш бошқа, уқиш бошқа. Ҳунар – тугамас хазина.
Ҳунарли эр хор бўлмас, Дўст – душманга зор бўлмас

Бу жойда эса инсонга хос барча сифат ва фазилатлар ҳамда ҳунар эгаллаши, билим олиши билангина шаклланиши ҳамда сайқал топиши мумкинлиги ҳақида айтиб ўтилган.

Зийракнинг ақли тош ёрар, Номарднинг мушти бош ёрар

Йигитга мардлик ярашар Мардлик – кишининг хусни. Мардлик – мангулик.
Мардлик сотиб олинмас. Яхшиликка яхшилик - Ҳар кишининг ишидир.
Ёмонликка яхшилик-Мард кишининг ишидир.

Ушбу ўринда зийраклик, мардлик ва унинг инсон ҳаётидаги аҳамияти, бу сифатлар шаклланмаган ҳолатларда унинг оқибатлари ва ташвишлари ҳақида сўз боради.

Қуйидаги мақолларда болалар тарбиясига дастлабки кунларданок қандай ёндошув зарурлиги, ёшларни иймонли, эътиқодли ва одобли қилиб тарбиялашнинг психологик тамойиллари, камтарлик ва одоб инсон зийнати ва унинг кўрки эканлиги ўз ифодасини топган.

Бола - ёшидан, Хотин – бошидан

Болани сўксанг, бети қотар, Урсанг, эти қотар.

Боқсанг ботир қиласан, Тергасанг – тентак. Бола азиз – одоби ундан азиз.

Инсон - одоби билан, Осмон – офтоби билан.Одоб – кишининг зебу зийнати.

Одобнинг-боши тил. Ҳусн хулқи билан чиройли. Ҳусн ҳусн эмас, одоб ҳусн.

Гул ўсса – ернинг кўрки, Қиз ўсса – элнинг кўрки. Камтарлик ҳам ҳусн.

Кийикли тоғ – суюкли тоғ. Камтар бўлдинг – гавҳар бўлдинг.

Камтар бўлсанг, ош кўп, Манман бўлсанг, тош кўп.

Навбатдаги ўзбек халқ мақолларида сабр – қаноат асл бойлик эканлиги, кимда- ким тарбияланиб сабр – қаноат каби юксак фазилатга эришса, ўз ҳаёти ва фаолияти давомида юксак натижаларга эриша олиши кафолатланганлиги таъкидланади.

Асл бойлик – қаноат. Камоли имон – сабр. Сабр – аччиқ, меваси – ширин.

Одоб билан бахт топилар, Сабр билан – тахт. Ошиқмаган овчи ҳумо овлар.

Сабр қилсанг ғўрадан ҳалво битар. Бесарблар бош – оёқидан етар (йўқлар)

Қуйидаги мақолларда эса ҳозирги ёшлар орли, номусли шу билан бирга ифбатли, иболи ва ҳаёли бўлиши, миллий маданиятимиз, кадриятларимиз, ўзлигимизни англашда ва намоён этишда ана шундай сифат ва фазилатлар нақадар зарурлигини такозо этиши алоҳида таъкидланган.

Йигитнинг моли бўлгунча, ори бўлсин,

Йигитнинг хусни – юз танга, Ор- номуси – минг танга.

Номус- ўлимдан қаттиқ. Одам очликдан ўлмас, ордан ўлар.

Ори бўлмаган йигитдан номусли қиз яхши.

Эр номуси-

2.2. Кишилар феъл-атворида учрайдиган салбий иллатларнинг зарари ва оқибатларидан огоҳ этувчи мақоллар

Кишилик жамиятининг тарихий тараққиёти қанчалик узоқ бўлмасин, ёшларни тарбиялашга йўналган тарбиявий усуллар, воситалар, яратилган зарур шарт – шароитлар қанчалик сайқаллашмасин афсуски, ҳалигача одамлар феъл атворида салбий иллатлар учрайди. Бу ҳолатлар ўз-ўзидан одамларнинг ўзаро ижтимоий муносабатларга киришишда намоён бўлади, айниқса ёшлар тарбиясига бевосита таъсир кўрсатади. Кишилар феъли – атворида учрайдиган салбий иллатларнинг олдини олиш, бартараф қилиш, уларнинг зарари ва оқибатларидан одамларни, айниқса шаклланиб келаётган ёшларни, улар тарбияси учун масъул бўлган ота-оналар, мураббийлар ва ўқитувчиларни огоҳ этиш бугунги ўқув- тарбия жараёнларининг устивор вазифаларидан биридир. Биз баҳс юритаётган муаммони ва уни ечимларига йўналган вазифаларни ҳал этишда халқимиз тарихий тарққиёти давомида жуда кўп синовлардан ўтган, сайқаллашган, ҳозирги давр ўқув-тарбия

жараёнлари учун ҳам ўз қадр – қимматини йўқотмаган ўзбек халқ мақолларининг, ҳикматларининг аҳамияти беқиёсдир. Шу боис, ўқув – тарбия жараёнларида ёшларнинг феъл – атворида салбий иллатлар кузатилганда, ота-оналар ва маҳалла аҳли билан мунозарали суҳбатларда, мураббий ва ўқитувчиларни касбий тайёргарлиги ва малакасини ошириш курсларида Педагогика ва ёш даврлар психологиясини ўқитиш жараёнида куйидаги мақолардан фойдаланиб уларнинг тарбиявий аҳамиятини психологик таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Элдан айрилгунча, жондан айрил. Эшак Маккага бориб ҳалол бўлмас.

Бемаҳал юрган қоқилар. Бетга айтганнинг захри йўқ.

Кўнгил тўғри учун, Қулф ўғри учун. Хўроз қичқирмаса ҳам тонг отаверади.

Ёмон аталиб тирик юргунча, Яхши аталиб ўлган яхши.

Ёмон билан ётма, Эрта туриб айтма.

Омон бўлсанг, ош ерсан, Ёмон юрсанг, тош ерсан.

Яхши одам ўйнаб –кулиб кечирар, Ёмон одам қону зардоб ичирар.

Бир яхши гап эсан чикмас, Бир – ёмон гап.

Яхши гап кулдирар, Ёмон сўз ўлдирар.

Ўзбек халқининг эзгу ниятли, танги, адолатли ва маданиятли эканлиги – уларнинг ўзаро муносабатларида акс этади. Жумладан, элдан айрилгандан кўра жондан айрилишни афзаллиги, ёмон одамлар қанчалик тоат – ибодат қилмасин унинг илтижолари оллоҳ даргоҳида қабул бўлмаслиги, ёмонлар билан бирга юрмаслик, ҳамфикр бўлмаслик, ҳатто бирга иш қилмаслик, улардан узоқроқ юриш, агар тасодифан бирга бўлганда уларнинг бошқа одамлардаги таъсири турли-туман муаммоларни шаклланишига ва ҳатто фожиаларга сабабчи бўлиши ёрқин ҳаётий хулосалар билан тавсифланган.

Адолат қиличи кесган қўл оғримас. Инсофи йўқнинг имони йўқ.
Дўстсиз бошим – тузсиз ошим Айрон ош бўлмас, Нодон – бош бўлмас.
Ақли калта панд ейди, Ақли теран – қанд ейди. Ақли камнинг азоби кўп
Ақлсиз хотин ҳуснини кўз-кўз қилар, Ақлли хотин – ақлини.
Аҳмоқ, аҳмоқ эмас, Аҳмоқни аҳмоқ қилан аҳмоқ.
Аҳмоқнинг аҳмоқлиги ҳам бош оғритади, ҳам оёқ.
Аҳмоқнинг жони азобда . Боши йўқнинг оши йўқ
Доно – донога ёр, Аҳмоқ – дўстга зор
Доно ҳикмат келтирар, Нодон – кулфат. Билимли олим, билимсиз золим
Илмсиз олим – тўқимсиз эшак. Йўлбарс, Тулки изидан юрмас.
Мард тузар, номард бузар. Марддан от қолур, Номарддан – дод.
Номард дўстдан мард душман яхши
Номард нон устида ҳам нолишини қўймас.
Номарднинг паловидан, Марднинг ёвғон оши яхши.

Ўзбек халқ мақоллари аجدодларимизнинг минг йиллар давомида шаклланган ва қайта –қайта сайқалланиб ҳикматлар даражасида кўтарилган хулосалари бўлиб, инсонларни доимо адалатли, инсофли бўлишга, дўст биродар ортиришга, нодонлар билан ҳамфикр бўлмасликка, ақлли ва фаҳм – фаросатли бўлишга, ақлсиз, нодон, аҳмоқ ва номард бўлганда унинг аянчли оқибатлари, хўрланиши, элни назаридан қолиши ва субитсизлиги ҳақида сўз боради.

Ушбу мақоллар билан танишган ёшлар юқоридагича салбий иллатлари бор одамлардан огоҳ бўлади, уларни ҳолатидан жирканади ва ўзларини ҳаёт йўллариини белгилашда жамият орасида обрў – эътибор топган ақлли, фаросатли, билимли, меҳнатсевар, фидойи, меҳр оқибатли, халқпарвар инсонлар ҳаёт йўлини танлайдилар.

Бу ўринда инсон тарбияси энг мураккаб ва машаққатли жараён эканлиги, шу боис, ёшларни тарбиялашда ота- она, мураббийлар,

Ўқитувчилар ва маҳалла – гузар ўта эҳтиёткор ва огоҳ бўлишлари таъкидланади.

Дард кетар, одат қолар.

Отаси бузуқнинг бири – бузуқ, Онаси бузуқнинг бари – бузуқ.

Сут билан кирган жон билан чиқар.

Ўзинг пиширган ош – Айланиб ич, ўргилиб ич.

Ўрганган қилиқ ўлганда қолар. Қон билан кирган жон билан чиқар.

Қуш уясида кўрганини қилар.

Яхши бола ном келтирар, Ёмон бола ғам келтирар.

Яхши бола – тўрга тортар, Ёмон бола - гўрга.

Яхши қиз эрта туриб, соч тарар, Ёмон қиз эрта туриб нон сўрар.

Қизининг қилиғи кўчада билинар.

Баъзида тарбия жараёнидаги эътиборсизлик ва эҳтиётсизлик оқибатида ёшларда турли – туман салбий одатлар ва иллатлар шаклланиши мумкинлиги, ана шундай ёмон одат ва иллатлар шаклланган одамлар ўла – ўлгунча бу иллатлардан қутила олмай, атрофдаги одамларга ва ҳатто бутун жамиятга зарар келтириши, одамларни жабр чекишига сабабчи бўлиши натижада, улар доимо инсонлар нафратига нишон бўлиши алоҳида таъкидланади.

Амал етди кўрга, Югуруб ўтди тўрга.

Амал тегса нодонга, Ўзини ўрар ҳар ёнга.

Керилганнинг тўйига бор, Мақтанганнинг – уйига.

Эшак мақтаниб, тулпор бўлмас, Қарға мақтаниб, шунқор бўлмас.

Юришни билмасанг, сакрашга уринма.

Ўзгада нуқсон кўрсанг, Ўзингни бенуқсон дема.

Ўзи пасмонданинг кўнгли осмонда.

Ўзингни ўзинг мақтама, Сени биров мақтасин.

Бу ўринда саводсиз, тарбиясиз, нодон одамга амал текканлиги, атрофида ақлли. фаросатли одамлар бўлишига қарамай тўрға ўтиб (бош бўлиб) олганлиги, ўзини ҳар ёнга уриши тавсифланади. Бизга маълумки ақлли, билимли, фаросатли, кўпни кўрган одамлар ҳеч қачон мақтанмайди, керилмайди. Керилган, мақтанган, кўнгли осмонда, ман – ман одамларни асл табиатини, яъни имкониятларини ўргансангиз – тасаввурингиздагидан тескари ҳолатни кўрасиз, натижада айнан шундай одамларга нисбатан ишончингиз йўқолади. Жамиятда шундай одамлар ҳам борлигандан, улар ҳалигача ўзини – ўзи англамаганлигидан ачинасиз. Бундай муҳитнинг мавжудлиги, уларни тарбиявий тузатмаслик жамият учун айниқса, ёшлар тарбияси учун ўта хавфли эканлиги баён қилинган.

Ёлғон ё фарзандга урар, Ё- давлатга. Тўғри сўз тошни ёрар, Эгри сўз – бошни Чақимчининг жойи – жаҳаннам. Подадан олдин чанг кўтарма.

Тез сўзлар, тез пушаймон бўлар. Шошган ишга шайтон кўшилар.

Шошган-шамол билан баробар. Шошган қиз эрга ёлчимас.

Шошганнинг иши ўнгмас. Мастлик – пастлик.

Одам бордир, одамларнинг нақшидур, Одам бордир, ҳайвон ундан яхшидур.

Беҳаёлар бел боғласа, Хаёлилар уйга кирар. Виждонсиз- имонсиз.

Шарманда, охир қолар армонда. Шармсизлик- шармандалик нишонаси.

Ўзбек халқининг энг муҳим этник хусусиятларидан бири ёлғон гапиришдан ор қилиши, ўзини табиий тутишидир. Улар ёлғон гапиришдан қўрқиб “ёлғон ё фарзандига уради, ё давлатга” деб, ёлғон гапирмасликка қатъий амал қиладилар. Шу боис, тўғрисўз тошни ёрар, эгри сўз бошни ёрар, ёки чақимчиликнинг жойи жаҳаннамда, деб биладилар ва бу ҳаётини қоидага доимо амал қиладилар. Шунинг учун

ҳар ишда ҳам шошилмаслик, ўйламай гапириб қўйиш, турли ҳолатларда алжираш, беҳаёлик, виждонсизлик, шармандалик каби иллатларнинг одамлар феъл атворида учраб туриши ёшларимиз тарбияси учун, уларнинг феъл атворини шакллантиришда ўта хавф солиб турадиган ҳолатлардир. Ёшлар тарбияси учун маъсул кишилар бу ҳолатлардан огоҳ бўлишлари ёшларни тарбиялаш жараёнларида таҳлил қилишлари ва уларни бартараф қилишга доимо тайёр бўлишлари шарт.

2.3. Шахслараро муносабатларни меъёрлаштириш, яшаш ва турмуш фаровонлигини таъминлашга йўналган мақоллар

Ўзбек халқ мақоллари орасидан аксарият мақоллар шахслараро муносабатларни меъёрлаштириш, яшаш ва турмуш тарзини фаровонлаштиришга йўналтирилганлиги билан алоҳида характерланади. Шу боис, болаларни ёшлигидан бошлаб тарбиясини қаттиқ назорат қилиш, баъзи болалар тарбиясида юзага келган камчилик ва нуқсонларни сезган зоҳатиёқ уларни тарбиясига алоҳида эътибор билан қараб улар билан мунтазам ишлашни тақозо этади. Айниқса, шахслараро муносабатларда учраб турадиган камчиликларни тарбиялашда халқ ҳукми, жамоат тарбиясининг ахамияти, доимо халқ билан бирга бўлиш, жамоатчилик орасида белгилаб қўйилган қоила ва меъёрларга қатъий амал қилиш лозимлиги, халқсевар, ватанпарвар бўлиш алоҳида ўқтирилган. Қуйидаги мақоллар айнан шулар жумласидандир.

Урса ҳам, эл яхши, Сўкса ҳам, эл яхши. Элга хизмат – олий ҳиммат

Элга қўшилган мой ютар, Элдан айрилганнинг бети йўқ.

Ўз юртининг кадри Ўзга юртда билинар

Ўзга юртнинг қозиси бўлгандан, Ўз юртининг тозиси бўлган яхши

Ўзга юртнинг гулидан, Ўз юртининг чўли яхши.

Элдан ош есанг, элга ош бер.

Йўқликнинг уяти йўқ, Ўғирлик – уят.

Қуйидаги ўзбек халқ мақолларида айна ҳаёт ҳақиқатлар ўз ифодасини топган бўлиб, уларда тўғри сўзлик, ҳақгўйлик, меҳнатсеварлик, халқпарварлик, меҳр – оқибатлилик, меҳмондўстлик, ночор ҳолатларда бировнинг кўнглини олиш, ваъдасига – вафодорлик, яхши одам билан – ёмон одамни фарқлай олиш, улар билан бўлган муносабатларда ўзига хос ёндашиш, яхшилик жуда ҳам ноёб – гўзал ҳислат эканлиги ва ана шу ҳислат ҳар бир инсонда бўлиши лозимлиги акс этган.

Ҳақни айтган хор бўлмас. Бир киши ариқ қазир, Минг киши сув ичар.

Бир кун туз ичган жойга, Қирқ кун салом бер.

Бир кўнгили иморати- Минг Макка зиёрати.

Бир сўзlining юзи –ёруғ Мунофиқнинг юзи –чориқ.

Ёмон баҳил бўлар, Яхши – аҳил.

Ёмон билан юрдим, қолдим уятга, Яхши билан юрдим, етдим ниятга.

Ёмон билан юрсанг, ёмон бўласан, Яхши билан юрсанг, омон бўласан.

Ёмон – ўз ғамида, Яхши – эл ғамида.

Яхшиларга хизмат қилсанг, Ҳам айтади, ҳам қайтади.

Аслида инсон психологияси, унинг ҳаёти давомида эгаллаган билимлари, унда қарор топган сифат ва фазилатлар ёки буларнинг акси бўлган иллатлар инсоннинг тилида, нутқида унинг мазмун – моҳиятини билдирадиган фикрларда намоён бўлади. Биз кўпинча ана шу омилларга қараб инсонларга реал ва тўғри баҳо бера оламиз.

Севдирган ҳам тил, Бездирган ҳам тил.

Тил яхшиси бор этар, Тил ёмони хор этар.

Ширин сўз ўликни ҳам тирилтирар.

Яхши гап билан илон инидан чиқар, Ёмон гап билан пичоқ қинидан чиқар.

Ўзбекларга хос қадриятларнинг энг муҳимларидан бири дўстликдир. Қуйидаги мақолларда дўстликнинг инсон ҳаётида тутган ўрни, ким билан дўстлашиш лозимлиги, қандай одамлар дўст бўлмайди, дўст – биродар бўлишнинг энг авзал ва фойдали томонлари ёрқин ифодаланган.

Балиқ сувсиз яшамас, Инсон дўстсиз.

Дарахт – илдизи билан, Одам – дўстлари билан. Дўст оғир кунда билинар

Чин дўст туғишганинг билан тенг. Қорин гўшт бўлмас, Сипоҳи – дўст

Инсон ўзаро муносабатларида, ҳар кунги – кундалик муносабатларда турли – туман одамлар билан ўзаро муносабатларга киришади, уларни фикрини тинглайди, уларга нисбатан ўз фикрларини билдира олади. Ана шу ўринда одамларнинг билими, ақли, фаросати, малака – маҳорати, одамлар билан муносабатларга кириша олиш маданияти, ўз ўрнини англаши ва бошқа бир қатор сифат ва фазилатларини ёки камчилик ва иллатларини ёрқин ифодаланиб турганлигини кўрамиз. Ана шундай ҳолатларда биз назарда тутаётган қаҳрамон ўзаро муносабатлар қатнашчиларининг нозик томонларини албатта эътиборга олишлари лозимлиги кўзда тутилган. Агар муносабатларнинг ана шундай жиҳатларига эътибор қилинмаса, ўзаро муносабатларда муаммолар шаклланиши, муносабатлар эса оқибатсиз тугаши ўзбек халқ мақолларида алоҳида огоҳ этилган.

Айтгувчи нодон бўлса, тингловчи доно керак. Амалга қарама, ақлга қара.
Ақлинг бўлса, оқилга эргаш, ақлинг бўлмаса – нақлга. Аҳмоқ аҳмоқни топар
Ақллига айтдим, англади- билди, ақлсизга айтдим, шақиллаб кулди.
Ақлининг қадри аҳмоқнинг олдида билинар Ақлни беақлдан ўрган
Аҳмоқ бошдан ақл чиқмас, Ақл чиқса ҳам, маъқул чиқмас.
Аҳмоқ ўзи билмас, Билганнинг сўзига кирмас.
Аҳмоқ ўзини мақтар, Тентак- қизини
Аҳмоқни урма, сўкма - гапга сол.
Аҳмоққа салом бердим, Беш тангга товон бердим.
Бўйинг тенги билан юрма, Ақлинг тенги билан юр.
Доно билан юрсанг, доно бўласан, Аҳмоқ билан юрсанг, расво бўласан.
Доно сўзига бино кўяр Нодон – ўзига.
Дононинг сўзидан ҳам қолма, Юрган изидан ҳам.
Кўп ўқиган олим бўлса, Кўпни кўрган доно бўлар.
Сўзловчи аҳмоқ бўлса, Тингловчи доно керак.
Билаги зўр бирни йиқар, Билими зўр – мингни
Билган ўзар, Билмаган тўзар.

Қуйидаги мақолларда инсон меҳнатсевар бўлиши, ўз ишини, касбини севиши, қилган ишидан ҳамма қаноатланиши лозимлиги, мард бўлиш, дўст бошига иш тушса энг яқин кишиси сифатида ёнида бўлиш, хатто маслаҳатни ҳам мардлардан сўраш лозимлиги ҳақида сўз боради.

Шунингдек, бола тарбиясига нозик ниҳолга ёндошгандек ёндошиш, унга катталарга қўйилган талабларни қўймаслик, хўрламаслик, лекин таёқ билан айиқни ҳам тарбиялаш мумкинлиги ҳақида сўз боради. Она оқил бўлса – фарзандлари ҳам оқила бўлиши бу албатта она тарбиясига боғлиқлиги кўрсатиб ўтилган.

Яхши билсанг ишингни, Яхшилар силар бошингни
Мард – курашда, дўст – ташвишда, Доно ғазабда синалар.
Маслаҳатни марддан сўра. Таёқ айиқни ҳам мулла қилар.
Она қилса зўрликни, Бола тортар хўрликни.
Ота ғайратли бўлса, Бола ибратли бўлар.
Семиз кўзининг гўшти яхши, Оқил онанинг - қизи

Қуйидаги мақолларда ўзбекларга хос эр – хотин муносабатлари, хотиннинг эрига итоаткорлиги, қиз беришда куёвнинг отасига қараб, келин танлашда қизнинг онасига қараб танлаш жуда ҳам муҳимлиги алоҳида қайд этилади. Фарзанднинг ота – она олдидаги, шогирднинг устоз олдидаги бурчлари, улар ўртасида бўладиган муомала-муносабат одоблари ва унга қатъий амал қилиш лозимлиги ҳақида сўз боради. Шунингдек, ақлли хотин доимо уй кўрки, чиройли хотин эса кўча кўрки эканлиги, баъзи бировлар пардоз билан чиройли кўринадилар – бундай хуснлар вақтинча эканлигидан огоҳ этилади.

Хотин олсанг, ёшдан ол, Жилувини бошдан ол.
Қиз берсанг, отасига қараб бер, Қиз олсанг, онасига қараб ол.
Онангга бошингни ҳам қил, Отангга гапингни кам қил.
Отанг боласи бўлма, Одам боласи бўл.
Уста боридап кўлингни тий, Устод борида - тилингни.
Ақлли хотин – уй кўрки, Чиройли хотин – кўча кўрки.
Пардоз қилган чиройли Аммо хусни бир ойли.

Инсон тирик мавжудодлар ўртасида энг мураккаб шаклланган олий ва онгли мавжудотдир. У борлиқнинг гултожи бўлиб, ўзини ўраб турган борлиқни, ундаги нарса ва ходисаларни тинимсиз ўрганиб боради, аждодлари тажрибаларига таянади, шунга асосланиб воқеликни

Ўз эҳтиёжларига мослаб ўзгартиради, яшаш учун зарур ва қулай шарт – шароитлар яратади, ортирган тажрибаларини авлодларга ўтказиб (ўргатиб) боради. Шу боис, инсон энг олий қадриятдир. Шу нуқтаи назардан қуйидаги мақолларда атрофимизда юрган одамлар орасида нафақат яхши одамлар борлиги, шу билан бирга ёлғончи – фирбгар одамлар ҳақида ёки бирор нимани усти ялтироқлигига қараб арзон олиб – кейинчалик ундан кўп пушаймон қилишимиз, арзонни шўрваси ҳеч қачон татимаслиги шунингдек, боқмаса мол албатта қўлдан кетиши (ўлиши). Хўрласа хотин уйдан кетиши ҳақида гап боради.

Ёки инсоннинг қадр – қиммати ҳамма нарсадан, ҳатто мол – дунё ва олтинлардан ҳам юқори туриши, шу боис, инсон меҳнати билан, касбига фидойилиги, билими, ақл – идроки, одамларга бўлган меҳр – оқибати, ватанга бўлган садоқати билан қадр топиши лозимлиги ҳаётий мисоллар билан огоҳ этилган.

Бўш тегирмон гулдирар. Арзон олдим – армон олдим

Ёлғончининг ёнидан ўтма, Ростгўйнинг ёнидан кетма..

Арзоннинг шўрваси татимас. Мол – дунё топилар, одам топилмас.

Боқмасанг молинг кетар, Хўрласанг – хотининг.

Ит иззатга арзимас, Эшак – тарбияга. Қадринг қочган жойдан қоч.

Мол топгунча, қадр топ. Мулла (зиёли) бўлдинг – тилла бўлдинг.

Она – олам фахридир. Эл сийлаган эшикда ўтирмас.

Эл қадрини билмаган, Ўз қадрини билмас.

Ўз қадрини билмаган, Ўзга қадрини на билсин.

Қадрласанг қадринг ошар, Қадрсиздан ҳамма қочар.

Жонингни фидо қилсанг қил, Номусингни фидо қилма.

Болага иш буюр, Орқасидан ўзинг югур.

Ўзбек халқининг энг яхши фазилатларидан бири – бу бирор ишни қилишдан аввал у ҳақида обдон ўйлаб олиш, кенг мушоҳада юритиш, ҳаётий мисоллар билан таққослаш, ана шу масала устида ҳаёт тажрибасига эга-билимли одамлар билан кенгашиб бир қарорга келгандан сўнггина иш бошлашидир. Қуйидаги мақолларда ёшларни ҳаёт йўлида анчагина муаммолар кутиб туриши, улар албатта ана шу муаммоларга ечим топишда ўзбек халқ мақолларида акс этган қоидаларга, ҳикматларга амал қилиши шартлиги назарда тутилади.

Бошлиқ булиш осон, бошламоқ қийин. Омонат иш овора қилар.

Отни синаш осон, Одамни синаш қийин. Аввал кузат, кейин тузат.

Арқоғини кўриб бузини ол, Онасини кўриб- қизини.

Болам севсин десанг, боласини сев.

Дустинг кимлигини айт, Сенинг кимлигингни айтаман.

Ёвни кичик кўрсанг, бошинг кетар.

Ёш йигитнинг кузи билан қиз олма Келмаганинг кетидан борма.

Кирадиган эшигингни қаттиқ ёпма.

Ўзбек халқ мақолларида айнан шу халқнинг тарихи, иқтисодиёти, турмуш тарзи ва ҳуқуқ меъёрлари, урф – одатлари, қадриятлари, халқнинг эътиқоди умуман миллатнинг бутун ҳаёти акс этган. Шу боис мақоллар халқнинг нодир маънавий бойлиги бўлиб, миллийликни сақлашга, миллат вакилининг ўз – ўзини англашга давлат этувчи асосий омиллардир.

2.4. Одамнинг нарсалар, ходисалар ва меҳнатга бўлган муносабатларини тарбиялашга хос мақоллар

Мард – курашда, дўст – ташвишда, Доно ғазабда синалар.

Албатта, мард – курашда, дўст – киши бошига ташвиш тушганда, доно одам бошқа одамлар ғазабланганда билинади.

Юрти бойнинг ўзи бой. Юрт бой бўлса, ҳамма бой, тўқ, фаровон яшайди.
Ишлаб топганнинг оши – лаззатли.

Инсон ишлаб пул топса, уни авайлаб, иқтисод қилиб ишлатади. Фақат зарур ва фойдали нарсалар олади, беҳуда совирмайди, маблағни қанчалар қийналиб топганлигини ўзи билади. Шунинг учун оши лаззатли бўлади.

Текиннинг миннати кўп, Меҳнатнинг – зийнати.
Ҳалол иш – лаззатли ош. Ҳалол меҳнат – мўл даромад.
Ҳалол пишиб чиқар, Ҳаром тешиб чиқар.

Буюк бобомиз Амир Темур ҳам давлат бошқаруви фаолияти ва тарихда эришган ютуқларини таҳлил қилар экан “Куч – адолатдадир ” деб, ушбу ҳукмни давлатни бошқаришнинг бош мезони сифатида белгилайдилар. Албатта, адолатли инсонларга ҳамма эргашади, унга итоат этади, адолатли инсонлар инсофли ва баракали бўладилар.

Адоват эмас, адолат енгар. Инсоф – сари барака.
Инсофи борнинг баракаси бор. Қарз, қарзни бериш фарз.

Қуйидаги мақолларда жамиятдаги инсоний муносабатларда

намоён бўладиган ва инсонлар ҳаёти учун муҳим ўрин тутадиган дўстлик ва душманлик тушунчалари ёритилган. Ушбу тушунчаларнинг фалсафий-психологик қонуниятлари, инсонлар учун дўстликнинг беқиёс қиймати, душманликнинг зарари ва оқибатлари ҳақида ёшлар огоҳ этилган.

Душманнинг ўзи қилдек, Кучи филдек.

Дўст ачитиб гапирар, Душман кулдириб.

Дўст куюнар, Душман суюнар.

Дўст – олтининг, Душман – қотилинг. Ҳисобли дўст айрилмас

Дўст сўзини ташлама, Ташлаб бошинг қашлама

Кийимнинг янгиси – яхши, Дўстнинг – эскиси.

Яхши кўрган дўстингга Яхши кўрган молингни бер.

Навбатдаги ўзбек халқ мақолларида ақл – идрокли, фахм – фаросатли ва билимли инсонлар билан бирга ушбу сифатлар яхши шаклланмаган, иллатли ёки билимсиз одамлар ўртасидаги тафовутлар, уларнинг ҳар бирига хос ҳаётда эришиши мумкин ёки мумкин бўлмаган натижалар таҳлили, ақлли одамларнинг истиқболлари, билимсизликнинг аянчли оқибатлари психологик таҳлил этилган.

Ақлли ишига ишонар, Ақлсиз – тушига. Юзга кирсанг, юз йил ўқи.

Ақллига бир сўз бас, Ақлсизга минг сўз оз.

Бўлар бола ўн бешида Бошман, дейди. Бўлмағури ўттизида Ёшман, дейди.

Йўлда юрсанг, туя ишлат, Элда юрсанг – мия.

Кўп яшаган кўп билмайди, Кўп ўқиган кўп билади.

Олтин олма дуо ол, Билим олсанг билиб ол.

Юзга кирсанг ҳам, ҳунар ўрган

Ўқиган - гулистон Ўқимаган – гўристон

Ўқиган ўғил отадан улуғ

Хунар бўлса қўлингда, Нон топилар йўлингда.

Албатта инсонлар яшар экан, ўз ҳаёт йўлларини мазмунли, турмушларини фаровон ўтказиш учун астойдил меҳнат қиладилар (курашадилар). Бунинг учун ўқиш, ўрганиш, билимли, касб – хунарли бўлиш, касбини севиш, ўз касбий фаолияти ва меҳнати билан халқига, ватанига хизмат қилишни астойдил ҳохлайдиларва ўзларининг асосий бурчлари деб биладилар.

Халқ орасида яна шундай одамлар ҳам учрайди-ки, улар ялқовлиги, хунарсизлиги, айёр – фирибгарлиги ва бошқа салбий қусурлари билан жамоатчилик нафратига учрайдилар. Қуйидаги мақолларда одамларга хос бўлган сифатлар, фазилатлар, шу билан бирга камчиликлар, салбий иллатларнинг оқибатлари ўз ифодасини топган. Талабаларни касбий тайёрлаш жараёнида психология фанларини ўқитишда мазкур мақоллар таҳлилидан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Сув келтирар мард киши Экин экар ҳар киши. Инсон қўли – гул.

Уста қандай - шогирд шундай. Устозим билимли - шогирд илмли.

Ўғлингни севсанг, қулдек ишлат.

Устозингга тик қарасанг, тўзасан, Хурмат қилсанг, аста – аста ўзасан.

Билган киши билдим демас, Билдим деса, билган эмас.

Бошинг осмонга етса ҳам, Ерга қараб юр. Бугунги жаҳлни эртага қўй.

Ерни сув бузар, Одамни – пул

Ёнида бир пули йўқ, Туянинг тишини кўрар.

Ёнида бир пули йўқ, Қиз сайлайди бойвачча.

Саёз дарё шовқинли оқар, Чуқур дарё сокин оқар.

Ўтган кунингни унутма, Хом чориғингни қуритма.

Азоб кўрмай, роҳат йўқ. Бир ёмон куннинг бир яхши куни бор.

Инсонларга хос бўлган энг ноёб, шу билан бирга шаклланиш жараёни жуда мураккаб ва машаққатли бўлган фазилятлар – сабр – қаноат, тажриба – маҳоратдир. Қуйида келтирилган мақолларда ана шу сифат ва фазилятларни инсон ҳаётида, турмушида ва фаолиятида тутган ўрни, аҳамияти ҳақида сўз боради. Ёшларни ана шундай сифат ва фазилятларни эгаллаши, унга амал қилиши лозимлиги огоҳ этилган.

Сабр – аччиқ, меваси – ширин. Сабр билан меҳнат қилган бой бўлар.
Сабр – умр хазинаси. Сабр этган етар муродга, Бесабр қолар уятга.
Нимани қилсанг хор, Ўшанга бўласан зор. Йулни билган қоқилмас.
Очлик азобини чекмаган, Нон қадрини билмас. Кўп кўрган куп билар
Бир синалган тажриба Етти китобдан афзал. Қаловини топсанг, қор ёнар.
Бош тошга тегса, Ақл бошга кирар. Қари билганни пари билмас.

Дарҳақиқат, одамларнинг ҳаёт тарзига, меҳнат фаолиятига назар ташласак, кимки сабр – қаноатли, узокни кўра биладиган, ўз соҳасида астойдил меҳнат қилаётган бўлса, у албатта орзу – ҳавасига, муродига етганлигини, ўз турмушидан мамнунлигини, бахтли ва бахтиёр ҳаёт кечираётганлигини кўраимиз.

Бесабр, шошма – шошар, ўз йўлидан адашган одамларни кўриб улардан афсусланамиз, уларни ҳолига ачинамиз. Бундай ҳолатлар ва халқимиз томонидан синалган мақол ва ҳикматлар мазмуни биз учун ҳаёт йўлида дастурил -амал бўлиб хизмат қилади.

2.5. Тадқиқот натижаларининг таҳлили

Ўзбек халқ мақолларининг психологик талқини ва унинг туб моҳиятини ўрганиш ва англашга доир тадқиқот ишларини ақсарият қисмини коллеж талабалари билан ўтказдик. Тадқиқот ишларини олиб бориш учун асосан 2 та (иккита) гуруҳ танланди. Ҳар бир гуруҳ таркибида 30 нафардан ($N = 30$) талаба мавжуд. 1 чи гуруҳни тажриба (эксперимент) гуруҳи, 2 чи гуруҳни назорат (контрол) гуруҳи сифатида белгилаб олдик.

Дастлабки тажриба ишлари иккала гуруҳда ҳам бир вақтда ўтказилди (тажрибагача). Кейинчалик тадқиқот ишлари тажриба гуруҳида мунтазам олиб борилди. (Психология фанларини ўқитишда ўзбек халқ мақолларидан фойдаланиш). Тажриба гуруҳининг натижалари эса назорат гуруҳи натижаларига мунтазам қиёслаб борилди.

Олиб борган тадқиқотларимиз натижаларини асосан уч босқичдаги текширувларимиз (қиёслаш) асосида аниқладик. Улар қуйидаги (1,2,3 жадвалларда) акс этган.

Ўзбек халқ мақолларини биласизми? Мақоллардан намуналар келтиринг.(5 минут ичида оғзаки сўралганда)

1-жадвал

| № | Тажриба ўтказилган гуруҳ | Респондентлар сони $N=60$ | Тажрибагача | Тажриба вақти (бир ой бўлганда) | Тажриба якунида (икки ойдан сўнг) |
|----|--------------------------|---------------------------|-------------|---------------------------------|-----------------------------------|
| 1. | Тажриба гуруҳи | $N= 30$ | 12 | 23 | 42 |
| 2. | Назорат гуруҳи | $N= 30$ | 13 | 14 | 16 |

1 – жадвалда акс этган рақамлардан шу нарса маълумки, талабаларнинг ўзбек халқ мақолларини билиши ва улардан намуналар келтира олиш ҳолати тадқиқот ишлари бошлангунча 5 минут ичида оғзаки сўралганда тажриба

гуруҳидан жами талабалар 12 та мақолни, назорат гуруҳидан эса жами талабалар 13 та мақолни айта олдилар.

Тажриба вақти (бир ойдан сўнг) тажриба гуруҳи аъзолари 23 та, назорат гуруҳи аъзолари эса аранг 14 та мақолни айтдилар. Тажриба якунида (икки ойдан сўнг) тажриба гуруҳи аъзолари 42 та, назорат гуруҳи аъзолари эса 16 та мақолни айтиб уддаладилар.

Худди шу топширик, яъни талабаларнинг ўзбек халқ мақолларини билиши ва улардан 5 минут ичида ёзма кўринишда ёзиб топширишлари сўралганда

Ўзбек халқ мақолларини биласизми? Мақоллардан намуналар келтиринг. (5 минут ичида ёзма топшириш сўралганда)

2- жадвал

| № | Тажриба ўтказилган гуруҳ | Респондентлар сони Н=60 | Тажрибагача | Тажриба вақти (бир ой бўлганда) | Тажриба якунида (икки ойдан сўнг) |
|-----------|---------------------------------|------------------------------------|--------------------|--|--|
| 1. | Тажриба гуруҳи | Н= 30 | 14 | 86 | 150 |
| 2. | Назорат гуруҳи | Н= 30 | 14 | 20 | 24 |

(гуруҳ аъзоларининг ҳар бири индивидуал ёзади ва уларни яъни 30 нафар талабаларни ёзган мақоллари тўпланганда) улар тажрибагача тажриба гуруҳларида 14 та, назорат гуруҳларида ҳам 14 та мақолни ташкил этди. Тажриба вақти (бир ойдан сўнг) эса тажриба гуруҳи аъзолари 86 та, назорат гуруҳи аъзолари 20 та мақолни ёзма кўринишда ёзиб беришга улгурдилар. Тажриба якунида (икки ойдан сўнг) тажриба гуруҳи аъзолари 150 та, назорат гуруҳи аъзолари эса 24 та мақолни ёзма кўринишда ёзиб беришга эришдилар. Бундан шу нарса маълумки, олиб борган тадқиқотларимизнинг тарбиявий самараси яққол кўзга ташланади. Шунингдек, олиб борган тадқиқотларимизни илмий асослаш ва самарасини ойдинлаштириш мақсадида қуйидагича кўринишдаги тадқиқотни ҳам ўтказдик. Айнан ўша

тажриба ва назорат гуруҳи аъзоларига – ўзбек халқ мақолларини мазмуни – моҳиятини шарҳлаш (иштирокчилар % ҳисобида) топшириғи берилганда натижалар қуйидагича бўлди.

Ўзбек халқ мақолларини мазмун - моҳиятини шарҳлаш. (иштирокчилар % ҳисобида).

3-жадвал

| № | Тажриба ўтказилган гуруҳ | Респондентлар сони N=60 | Тажрибагача | Тажриба вақти (бир ой бўлганда) | Тажриба якунида (икки ойдан сўнг) |
|----------|---------------------------------|------------------------------------|-------------------------|--|--|
| 1. | Тажриба гуруҳи | 10% №30 3 нафар | 42% №30 12 нафар | 86,6% №30 26 нафар | №30 |
| 2. | Назорат гуруҳи | 10% №30 3 нафар | 16,7% №30 5 нафар | 20% №30 6 нафар | №30 |

Жадвалдан кўришиб турибдики, тажрибагача ўзбек халқ мақолларини мазмун - моҳиятини шарҳлашда тажриба гуруҳидан 10% (3 нафар) талаба иштирок этган бўлса, назорат гуруҳидан ҳам худди шунлай натижа, яъни 10% (3 нафар) талаба иштирок этдилар. Тажриба вақти (бир ойдан сўнг) эса тажриба гуруҳидан 42 % (12 нафар), назорат гуруҳидан 16,7 % (5 нафар) талабалар иштирок этганлиги, тажриба якунида эса, тажриба гуруҳидан 86,6% (26 нафар) талаба, назорат гуруҳидан 20% (6 нафар) талабалр иштирок этганлиги кузатилди. Бу ҳолат тажриба – тадқиқот ишларимизнинг тўғри йўлга қўйилганлигини, энг муҳими, психология фанларини ўқитишда бадиий адабиётдан (ўзбек халқ мақолларидан) фойдаланиш ёшлар тарбияси учун нақадар аҳамиятли эканлигини кўрсатди. Шу боис, таълим тизимининг ҳамма босқичлари ўқув – тарбия жараёнларида ўзбек оғзаки ижоди намуналаридан, айниқса мақоллар ва ҳикматлардан самарали фойдаланиш

мақсадга мувофиқдир.

Иккинчи бобнинг хулосаси

1. Ёшларда юксак инсоний сифат ва фазилатларни шакллантиришда психология фанларини ўқитиш жараёнида ўзбек халқ ижодидан фойдаланишнинг ижтимоий - психологик аҳамияти беқиёсдир. Жумладан, ёш давлари психологияси, педагогик психология, оила психологияси, шахс психологияси ва умумий психологиянинг: онг, фаолият, шахслараро муносабатлар, тафаккур, нутқ, ҳиссиёт, ирода, характер, темперамент, қобилият каби мавзуларини ўқитишда ўзбек халқ мақолларидан самарали фойдаланиш мумкин.
2. Ўзбек халқ мақоллари орасида кишилар фел – атворида учрайдиган салбий иллатларнинг зарари ва оқибатларидан огоҳ этувчи мақоллар кенг ўрин топган бўлиб, улардан психология фанларини ўқитиш жараёнида ёшлар тарбиясини тўғри ташкил этиш мақсадида психотерапевтик воситалар сифатида ўринли фойдаланиш мумкин.
3. Ўзбек халқ мақоллари тўпламидан шахслараро муносабатларни меъёрлаштириш, яшаш ва турмуш фаровонлигини таъминлашга йўналган мақолар кенг ўрин олган бўлиб улар ўзбекларга хос муомала - муносабат одобини шакллантиришга, яшаш ва турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилади.
4. Ўзбек халқ оғзаки ижодида одамнинг нарсалар, ҳодисалар ва меҳнатга бўлган муносабатларини тарбиялашга хос мақолар анчагина бўлиб, улардан психология фанларини ўқитиш жараёнида ҳаётий мисоллар сифатида фойдаланилса, ёшларда нарсаларга тўғри баҳо бериш, воқеаларни реал ва объектив баҳолаш, ҳалол меҳнат қилишга ўрганиш, меҳнатга хос билим, малака ва маҳорат каби инсоний сифат ва фазилатлар шаклланади.

Хулосалар

Олиб борган тадқиқотларимиз асосида ушбу ўқув – услубий қўлланмани тайёрлаб, қуйидаги илмий хулоса ва таклифларни илгари суришга қарор қилдик.

1. Ижтимоий маданий ҳодиса сифатида намоён бўлган психика муаммосини ўрганишда муқаррар равишда жамият ва инсоншунослик фанлари (халқ оғзаки ижоди, фалсафа, тарих, этнография, маданиятшунослик ва бошқалар)нинг маълумотларидан кенг фойдаланиш зарурати туғилади.
2. Ўзбек халқининг миллий характери ва этник онгига таъсир кўрсатадиган анъаналари, урф-одатлари, маросимлари, ва қадриятлари ўзбек халқ оғзаки ижодида ҳам чуқур акс этган ва тарихий тараққиёт даврида сайқаллашиб тарбия манбаи сифатида халқ ҳаётидан мусаҳкам ўрин олган.
3. Ўқув услубий қўлланмада баён қилинган дастлабки материаллар бизни худуднинг маданиятини, миллий урф-одатлар ва анъаналарни этник стереотиплар орқали кўриб чиқишга ҳамда ўзбек халқининг ўзига хослиги психологиясини, шу жумладан ўқитиш ва тарбиялаш соҳасидаги анъаналарни янада кенгроқ ёритишга ундайди.
4. Халқнинг ўзига хос феъл – атвори ва психологиясининг этник стереотипларни тадқиқ қилиш уларни вужудга келтирган ижтимоий – маданий тизимни ўрганиш асносида амалга оширилиши керак. Бунда халқнинг ўзига хослигини тиклаш авлоддан – авлодга ўтиб келаётган стереотипларнинг ноаниқ нусхаси эканини ҳисобга олиш зарур.
5. Биз миллат (этнос), унинг маданияти, ўзига хослиги, ўзини – ўзи қайта тиклаш ва камол топтириш принципига мувофиқ қайта тикланади, деб биламиз.
6. Ўзбек халқининг этник стереотиплари, ўзига хослиги, унинг анъаналари, маросимлари, урф-одатлари ва диди, халқ

донишмандлигида (мақоллар, маталлар, ва ҳикматли сўзларда) энг чуқур ҳамда мустаҳкам ўрин олган. Халқнинг авайлаб сақлаши ва ардоқлаши сабабли улар ҳозиргача ўзининг дастлабки маъносини йўқотмади ва миллат вакилининг кундалик ҳаётидаги энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

7. Ёшларда юксак инсоний сифат ва фазилатларни шакллантиришда психология фанларини ўқитиш жараёнида ўзбек халқ оғзаки ижодидан фойдаланишнинг ижтимоий - психологик аҳамияти беқиёсдир. Жумладан, “ёш даврлари психологияси”, “педагогик - психология”, “оила психологияси”, “шахс психологияси” ва “умумий психология”нинг, онг, фаолият, шахслараро муносабатлар, тафаккур, нутқ, ҳиссиёт, ирода, характер, темперамент, қобилият каби мавзуларини ўқитишда ўзбек халқ мақоларидан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.
8. Ўзбек халқ мақоллари орасида кишилар фел – атворида учрайдиган салбий иллатларнинг зарари ва оқибатларидан огоҳ этувчи мақоллар кенг ўрин топган бўлиб, улардан психология фанларини ўқитиш жараёнида ёшлар тарбиясини тўғри ташкил этиш мақсадида психотерапевтик воситалар сифатида ўринли фойдаланиш мумкин.
9. Ўзбек халқ мақоллари тўпламидан шахслараро муносабатларни меъёрлаштириш, яшаш ва турмуш фаровонлигини таъминлашга йўналган мақолар кенг ўрин олган бўлиб, ушбу мақоллар ўзбекларга хос муомала - муносабат одобини шакллантиришга, яшаш ва турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилади.
10. Ўзбек халқ оғзаки ижодида одамнинг нарсалар, ҳодисалар ва меҳнатга бўлган муносабатларини тарбиялашга хос мақолар анчагина бўлиб, улардан психология фанларини ўқитиш жараёнида ҳаётий мисоллар сифатида фойдаланилса, ёшларда нарсаларга тўғри баҳо бериш, воқеаларни реал ва объектив баҳолаш, ҳалол меҳнат қилишга ўрганиш,

меҳнатга хос билим, малака ва маҳорат каби инсоний сифат ва фазилатларни шаклланишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида»-Тошкент.: «Ўзбекистон » 2011.
2. Каримов И.А. «Юксак маънавият - енгилмас куч»- Тошкент, «Маънавият» нашриёти, 2008.
3. Каримов И. А. -«Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» -
4. Каримов И.А. «Ватан саждагаоҳ каби муқаддасдир». 3 том Т. Ўзбекистон 1996 й.
5. Каримов И. А. «Ўзбекистон XX1 асрга интиломда» 7 том Т. «Ўзбекистон» 1998 й.
6. Каримов И. А. «Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз». Т. «Ўзбекистон» 1999 й.
7. Каримов И. А. «Тарихий хотирасиз келажак йўқ». Т. «Ўзбекистон» 1998 й.
8. «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар». Т. «Ўзбекистон». 2000 й.
9. Абу Райҳон Беруний. Тан. асарлар. Т. 1993.
10. Абульханова – Славская К.А. Деятельность и психология личности. М., 1980.
11. Андреева Г.М. Социальная психология. – М.:МГУ, 1980.
12. Асмолов А.Г. Психология личности. –М.:МГУ, 1990.
13. Бромлей Ю.В. Этнические процессы в современном мире.-М., 1987.
14. Ванбери А.Очерки о Средней Азии (дополнение к путешествиям по Средней Азии). –М.: Изд. А.И.Мамантова,1968.365с.
15. Измайлов А.Э. Народная педагогика: Педагогические воззрения Средней Азии и Казахстан. М., 1991.256 с.
16. Левькин И.Т. Социальное благополучие – интегральный показатель уровня и качества жизни // Психология личности и образ жизни.- М.,1987. 93-96 с.

17. Муқанов М.М. Образ жизни и этнопсихология интеллектуальной деятельности // Психология личности и образ жизни. М.,1987.100-102 с.
18. Психология личности и образ жизни / Отв.ред.Е.В.Шорохова –М., 19987.319 с.
19. Саморегуляция и прогнозирование социального поведения личности / Под.ред.В.А.Ядова. –М., 1997.264 с.
20. Саракуев Э.А. Национально – психические особенности студентов и их учёт в воспитательной деятельности преподавателей вуза: Автореф. Дисс. ...канд.пед.наук.-М.1991.20 с.
21. Социальная психология личности / Под.ред.М.И.Бобневой. Е.В.Шороховой. – М., 1979.344 с.
22. Тарновская А.С. Формирование психологической готовности студентов университета к педагогической деятельности в школе: Автореф.дисс....канд.психол.наук.- Киев, 1991.21 с.
23. Фромм Э. Характер и социальный процесс // Психология личности. –М, 1982. 49-54 с.
24. Хайруллаев М.М. Фаробий ва унинг фалсафий рисолалари.-Т. 1963.- 284 б.
25. Шкуратов В.А. Психика. Культура. История – Ростовн/ Д., 1990. 256 с.
26. Шульга Н.А. Полнота жизни личности // Психология личности и образ жизни. М., 1987. 106-108 с.
27. Этнические стереотипы поведения / Пед ред. А.К. Байбурина.-Л., 1985.325 с.
28. Этническая история и традиционная культура народов Средней Азии и Казахстана. Нукус: Каракалпакстан, 1989.272с.
29. Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. Т.: 1998. 184 б.
30. Ўзбек халқ эртаклари. Т., 1990.256 б.
31. Ҳикмат дурдоналари (Форс тилидан А. Ҳакимжонов таржимаси). Т., 1993.

Илова -1

Ўзбек халқ мақолларини биласизми? Мақоллардан намуналар келтиринг. (5 минут ичида оғзаки сўралганда)

| № | Тажриба ўтказилган гуруҳ | Респондентлар сони Н=60 | Тажрибагача | Тажриба вақти (бир ой бўлганда) | Тажриба якунида (икки ойдан сўнг) |
|-----------|---------------------------------|------------------------------------|--------------------|--|--|
| 1. | Тажриба гуруҳи | Н= 30 | 12 | 23 | 42 |
| 2. | Назорат гуруҳи | Н= 30 | 13 | 14 | 16 |

Илова -2

Ўзбек халқ мақолларини биласизми? Мақоллардан намуналар келтиринг. (5 минут ичида ёзма топшириш сўралганда)

| № | Тажриба ўтказилган гуруҳ | Респондентлар сони Н=60 | Тажрибагача | Тажриба вақти (бир ой бўлганда) | Тажриба якунида (икки ойдан сўнг) |
|-----------|---------------------------------|------------------------------------|--------------------|--|--|
| 1. | Тажриба гуруҳи | Н= 30 | 14 | 86 | 150 |
| 2. | Назорат гуруҳи | Н= 30 | 14 | 20 | 24 |

Илова -1

Ўзбек халқ мақолларини мазмун моҳиятини шарҳлаш. (иштирокчилар % ҳисобида).

| № | Тажриба ўтказилган гуруҳ | Респондентлар сони Н=60 | Тажрибагача | Тажриба вақти (бир ой бўлганда) | Тажриба якунида (икки ойдан сўнг) |
|-----------|---------------------------------|------------------------------------|--------------------|---|---|
| 1. | Тажриба гуруҳи | 10% 3 нафар | 42% 12 нафар | 86,6% 26 нафар | |
| 2. | Назорат гуруҳи | 10% 3 нафар | 16,7% 5 нафар | 20% 6 нафар | |

Аннотация

Ушбу укув- услубий кулланмада психология фанларини ўқитишда бадий адабиётдан фойдаланиш (ўзбек халқ мақолари мисолида) масалалари кенг ёритилган. Мазкур кулланмада миллий онгнинг психологик талқини ҳақидаги илмий қарашлар, ўзбек халқининг миллий психологик хусусиятлари ва уларнинг халқ оғзаки ижодидаги ифодаси, тадқиқот методлари ва босқичлари, шунингдек, психология фанларини ўқитишда ўзбек халқ оғзаки ижодидан фойдаланишнинг ижтимоий – психологик аҳамияти илмий мезонларга таяниб атрафлича таҳлил қилинган.